Инв. № 8
Гос. книги СССР
4 МАР 1983

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 75 (18.552). • Шанба, 1983 йил 2 апрель • Баҳоси 3 тийин.

СССР ДАЛА ИШЛАРИГА СУРЪАТ ВА СИФАТ!

КЕКСАЛАРГА ИЗЗАТ—ЭЛГА ҲУРМАТ

У салкам саксон ёшда. Йиллар унинг юз-кўзларига тўр ташлаб, соч-соқолига қиров тўкиб ўтган бўлса-да, ҳамон телик ва бардам. Омонбобо ҳар куни эрта тонгда ўғил ва қизлари, набиралари билан бирга далага — кундалик иш жойига отланишни канда қилмайди. Ҳамқишлоқлари уни кўп йиллар олдин пенсияга узатишган бўлса ҳам у ўзини ҳамон жамоат меҳнатисиз тасаввур қилолмайди. «Омонбобо Тўйчиев Қашқадарёда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда, қулоқларни синф сифатида тугатишда ҳамда қишлоқларда коллектив хўжаликлар тузишда актив иштирок этган, — деб ёзади редакцияга юборган хатида Қарши районидаги «Партия XXVI съезди» совхозидан К. Мусаев. — У колхоз раиси, сўнгра пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлади. Ҳозир пенсияда бўлишига қарамай, совхоз пиллачилик бригадасида меҳнат қиляпти. Партия ва ҳукуматимиз унинг меҳнатини қадрлаб Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва бир неча медаллар билан мукофотлади. Донолиги, оқил маслаҳатлари, ҳамиша одамларнинг юмушига елка тутиб келаётгани сабабли Омонбобони бутун қишлоқ ҳурмат қилади. У умрини ҳалол яшаб ва сидқидилдан меҳнат қилиб ўтказмоқда. Фарзандларини ҳам худди ана шундай руҳда тарбиялаяпти. Унинг оиласини жамиятимиздаги маънавий муҳитнинг энг муҳим қирраларини ўзида мужассамлаштирган минглаб, миллионлаб оилалардан бири десак янглишмаймиз».

Кексаларга ҳурмат... Уларнинг ёшига, меҳнат билан ўтган катта ҳаёт йўлига, узоқ йиллар давомида тўплаган бой ҳаётий тажрибасига, оқил ва донолигига беҳад ҳурмат билан қараш кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг қон-қонига сингиб кетган ва йил сайин янги мазмун билан бойиб бораётган ажойиб анъаналаримиздан биридир.

Ҳар бир давр ва ҳар бир авлоднинг ўз қаҳрамонлари, ўз машъалари бўлган. Миркомил Миршаропов ва Абдулла Набиев, Зуҳра Юсупова ва Жаҳон Обидова, Бузрукхўжа Усмонхўжаев ва Ҳамроқул Турсунқулов, Собир Раҳимов ва Тўйчи Эрйигитов, Искандар Дўсов ва Маннон Жалолов... Номлари тилларда достон бўлган, элимизнинг юксак эзгулик билан ҳамишэ ардоқлаб ва фахрланиб эсда тутиб келаётган бундай қаҳрамон фарзандлари беҳад кўп. Халқимиз жуда кўп ана шундай ажойиб кишиларни тарбиялаб воғга етказди. Уларнинг ҳаёт йўли ёш авлодга коммунистларча яшаш ва меҳнат қилиш учун ибрат бўлиб хизмат қилмоқда. Авлодлар ворислиги, совет кишиларининг коммунизм идеалларига содиқлиги социалистик тузумимизнинг куч-қудрати, янги-янги муваффақиятларга эришишимиз гарови бўлмоқда.

Бизнинг боболаримиз инқилоб курашларида чор ҳокимиятини агдариб ташлаб, янги тузум, янги жамият барпо қилган эдилар. Уларнинг фарзандлари ДнепроГЭС ва Турксиб йўлларини, Катта Фарғона канали ва Чоржўй-Қўнғирот темир йўлини барпо этдилар, қишлоқларга янги ҳаёт элчилари бўлиб бориб, коллектив хўжаликлар, колхозлар тузадилар. Набиралар эса Улуғ Ватан урушининг ғоят машаққатли йўлида ғалаба қучиб, Ватан озодлигини ҳимоя қилиб қайтдилар. Ҳозир ана шу ғолиб авлодларнинг фарзандлари мустақил ҳаётга қадам қўйиб, БАМ ва Нўкоратупроқ зонада, Жиззах, Қарши ва Эллиққалъа чўлларида, пахта далалари ва чорвачилик фермаларида фидокорона меҳнат қилаётирлар, ўқув юртларида илм-фан чўққиларини эгаллаяпмоқдалар.

Ҳозирги авлод ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, меҳнат ва турмушда сабот-матонат, фидокорлик ва жасорат намуналарини кўрсатиш, ҳалоллик, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик, чинакам ўртоқлик, ҳамма вақт бошқалар манфаатнини ўз манфаатидан устун қўйиш сингари энг яхши фазилатларни оталардан мерос қилиб олиб, буни амалда намоён этмоқдалар.

Кейинги йилларда бизда совет кишиларини ўз Ватани, ўз халқи учун ифтихор туйғулари руҳида, ўз мамлакати ва ўз халқи ўтмишининг муносиб саҳифаларини иззат-ҳурмат қилиш туйғулари руҳида тарбиялаш соҳасида анча ишлар қилинди. Ёшларда кексаларга ва уларнинг ишига нисбатан ҳурмат-эҳтиром ҳиссини қарор топтириш ана шу кенг кўламдаги тарбиявий ишларнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда. Аммо бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, кишиларда бу туйғуни насиҳатбозлик, буйруқ бериш ёки чиройли сўзлар билан ҳосил қилиб бўлмайди. Бунга фақат шахсий ибрат кучи билангина эришиш мумкин. Агар ота-она меҳнаткаш, ростгўй, софдил, бир-бирига меҳрибон, катталарга ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлсалар, бу яхши хислатлар, албатта фарзандлари қўлқ-атворида ҳам чуқур из қолдиради.

Ёшларни катталарга нисбатан ҳурматда бўлиш руҳида тарбиялашда мактаб, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг ҳам роли катта. КПСС Марказий Комитетининг «Белоруссия партия ташкилотида идеология кадрларини танлаш ва тарбиялаш ишлари тўғрисида» ҳамда «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорларида таъкидланганидек, улар ёшларни ота-боболар мисолида ҳаётда актив позицияда туриш, интимоий бурчга онгли муносабатда бўлиш, ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялайдилар.

Кексаларни ҳурмат қилиш — бу фақат улар олдида одоб сақлаш, транспортда жой бериш ёки уларнинг оғир юкини уйига элтиб қўйиш деган гап эмас. Катталарга ҳурмат — энг аввало, уларнинг ҳозирги фаровон турмушимиз учун қилган ҳамма эзгу ишларига ҳурмат, улар бошлаган ишни давом эттириб, оталар орзусини рўёбга чиқариш учун кураш олиб бориш лозим, деганидир.

Ҳар бир ёшнинг қалбига энг яхши хислатларни ва эзгу мақсадларни сингдириш, аввало катталарнинг ўзига, уларнинг юриш-туриши ва одамлар билан муомаласига боғлиқ. Улар уйда, кўчада, цехда, синфда, жамоат жойларида, умуман ҳамма жойда ёш нажҳатдан катта эканликларини сира унутмасликлари, бошқаларга меҳнатсеварлик, юксак онг, бурчга садоқат, атрофдаги кишиларга иззат-ҳурмат билан муомала қилиш намунасини кўрсатишлари зарур. Ана шундай йўл билангина ёшларга ахлоқий тарбия соҳасида социалистик жамиятимизда тўпланган энг яхши тажрибаларни бериш мумкин.

Кексалик — кундалик жўшқин ҳаётдан узоқлашиш, деган гап эмас. Аксинча, улар аввалгидек ҳаётнинг ичида бўлиб, ташкилий-тарбиявий ишларда фаол қатнашишлари лозим. Ҳар бир партия ва касаба союз ташкилоти, ҳар бир корхона ва ташкилот маъмурияти, маҳалла комитетлари уларни жамоат ишларига жалб қилиб, ёшларни тарбиялашда кексаларнинг ақл-заковати, бой ҳаётий тажрибасидан атрофлича фойдаланишлари лозим.

Ёшларга келганда шуни айтиш керакки, улар учун ҳамма йўл очиқ. Унумли меҳнат қилиш, ўқиш ва бахтиёр яшаш учун ҳамма зарур шароитлар яратиб берилган. Катта авлод муҳташам ўқув юртларию замонавий дастгоҳларни, деҳқончилик техникасию, стадион ва истироҳат боғларини, тепамиздаги тинч осмонни меҳнат ва турашларда барпо этиб, тайёр ҳолда топширмоқда. Азиз ёшлар, атрофингизни ажойиб одамлар қуршаб олган. Уз касбингизни эгаллаш, юксак маҳорат, ижодий меҳнат, коммунизм идеалларига содиқлик руҳини ана шу кишилардан ўрганинг. Улар олдидаги бурчингизни асло унутманг, эртанги кунимиз сизларнинг кучли ва ишончли қўлларингизда эканлигини, Ватанимиз равнақи, шон-шуҳрати сизларнинг зиммангизда эканлигини сира унутманг.

Бу йил ҳосилдорликни 42 центнерга етказишга бел боғлаган Чуст районидаги «1 Май» колхози заршунослари ерга барака уруғи қадашни бошлаб юбордилар. Сифатли тайёрланган ерларга мажбуд 15 та селлка билан уруг ташланмоқда. Бу иш Валижон Таваккалов бошлиқ 60 центнерчи бригадада айниқса, намунали олиб борилаётир. Суратда: (ўнгдан) В. Таваккалов механизатор Ғ. Арслонов ва селлкачи Э. Йўлдошев билан чигит сифатини кўздан кечирмоқда.

Ж. Тўраев фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида «РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллиги тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарор тексти матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг Никарагуа ҳукумати Раҳбарлик кенгашининг координатори Д. Ортега билан ўтказган суҳбати якунларини кўриб чиқиб, маъқуллади. Муҳокама чоғида Сиёсий бюро Совет Иттифоқи меҳнаткашлари Никарагуа халқининг империалистлар шу мустақил давлатнинг ички ишларига аралашаётганликларига қарши олиб бораётган кураши билан бирдам эканликларни изҳор қилди. Совет — Никарагуа дўстона муносабатларини янада ривожлантириш тадбирлари белгиланди.

Ю. В. Андропов ва А. А. Громико ўртоқларнинг БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльяр билан учрашувларининг якунлари маъқулланди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихоновнинг Югославия Социалистик Федератив Республикасига қилган расмий визити якунлари тўғрисидаги, шунингдек ўртоқ Н. А. Тихонов Ливия Революцион раҳбарлик органининг аъзоси А. С. Желлуд бошчилигидаги Ливия делегацияси билан ўтказган суҳбатлари тўғрисидаги ахборотлари тинглади.

Сўнгра КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси қишлоқ хўжалиги учун машиналар ҳамда ускуналарнинг техникавий даражаси ва сифатини янада ошириш, улардан фойдаланишни яхшилаш, 1983—1990 йилларда шундай машина-ускуналар ишлаб чиқариш ва етказиб беришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Шу масалани муҳокама қилиш чоғида қайд этиб ўтилганидек, кейинги ўн беш йил мобайнида колхоз ва совхозларга машиналар етказиб бериш анча кўпайди, машина-тракторлар сифат состави янгиланди, қишлоқ хўжалик меҳнатининг энергия билан таъминланиши уч баравардан зиёд ошди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқарилаётган баъзи машиналар ва ускуналар ҳали замон талабларига тўлиқ даражада мос келмаяпти, айрим илмий-тадқиқот ва конструкторлик ташкилотларининг шу соҳадаги иш самарадорлиги старли эмас. Сиёсий бюро СССР Министрлар Совети тақдим этган иш программасини маъқуллади. Бу программа 1986-1990 йилларда деҳқончилик, чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш талаб-эҳтиёжларини қондирадиган тракторлар, трактор прицеплари, экскаваторлар, бульдозерлар, скреперлар, юк автомобиллари, машиналар ишлаб чиқарилишини кўзда тутади. Белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши қишлоқ хўжалик машиналари сифатини анча яхшилашга эришиш ҳамда шу машиналарни СССР Озиқ-овқат программасида кўзда тутилган деҳқончилик ва чорвачиликни комплекс механизациялашни асосан тугаллаш учун зарур бўлган миқдорда етказиб бериш имкониятини яратади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1984-1990 йилларда Карелия АССРда уй-жой, коммунал ва маданий-маиший қурилишни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилинган қарорида автоном республикада уй-жойлар, касалхоналар, мактаблар ва мактабгача болалар муассасалари қурилишини анча кўпайтириш, аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш топшириқлари белгиланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида хўжалик ва социал-маданий қурилишга, қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга, Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсатини изчиллик билан ўтказишга доир бошқа баъзи масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ҒАФУР ҒУЛОМ ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

Ўзбек совет адабиёти асосчиларидан бири, Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотининг лауреати Ғафур Ғуломнинг туғилганига шу йил май ойида саксон йил тўлади. Республика ташкилот комитетининг 1 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган мажлиси ёзувчи юбилейига тайёргарлик масаласига бағишланди. Иккодий союзлар, министрлик ва идоралар раҳбарларининг юбилей тадбирлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ахборотлари тинглади.

(ЎзТАГ).

ЎРТОҚЛАРЧА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико йўл-йўлакай Москвага келган АХДП Марказий Комитетининг аъзоси, Афғонистон Демократик Республикаси ташқи ишлар министри Ш. М. Дўстни 1 апрель куни қабул қилди.

Самимий, ўртоқларча вазиятда ўтган суҳбат вақтида СССР билан АДР ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг баъзи масалалари юзасидан ва ҳар икки томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Шу куни А. А. Громико Ш. М. Дўст шарафига нонушта-сиёфат берди. Зиёфат вақтида министрлар дўстона қадаҳ кўтариб, нутқ сўзладилар.

(ТАСС).

Ер ости бойликлари разведкачиларининг байрами

Ўзбекистон геологлари беш йиллик бошидан буён минерал хом ашёнинг кўпгина ер ости хазиналарини очдилар. Улар шу йилнинг ўзидагина фойдали қазилмаларнинг 60 та конини саноат йўли билан ўзлаштириш учун топширдилар, бу конларда разведка ишлари муваффақиятли равишда тугалланди. Бундай ишларнинг кўлами кенгайиб бормоқда — тармоқ меҳнаткашлари меҳнат унумдорлигини ошириш учун қурашмоқдалар, янги техника ва фан ютуқларини жорий этмоқдалар, фойдали қазилмаларни қидириш ва разведка қилишни бошқаришни такомиллаштирмоқдалар. Ҳозирги баҳор кунларида ўнлаб экспедициялар янги маршрутлар бўйлаб жўнаш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Мавсум арафасида ер ости бойликларининг разведкачилари, улар билан бирга эса бутун мамлакат профессионал байрам — Геологлар кунини нишонламоқда.

1 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ана шу шонли санага бағишланди. Ўзбекистон ССР геология министри Ҳ. Т. Тўлаганов доклад қилди. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ВЕНГЕР ХАЛҚИ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон жамоатчилиги Венгрия фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 38 йиллигини нишонламоқда.

1 апрель куни Тошкент меҳнаткашлари намояндаларининг мана шу шонли санага бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама иқтисодий ва маданий алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётганлиги мамнуният билан қайд этилди. Мажлис аҳли коммунистик қурилишда венгер халқига янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

(ЎзТАГ).

ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК ТУҒҚИНИДА

Бинокорлар ахди

● ҒИЖДУВОН. «СССР 60 йиллиги» колхозида йирик паррандачилик фабрикаси графиксан икки ҳафта олдин — қизил шанбалик куни қуриб битказилади. Ғиждувон колхозлараро механизациялашган кўчма колонна меҳнатчилари ана шу объектни қуришмоқда. Улар «Гулистон» колхозида кооператив уй-жойлар қуриш, «Меҳнатобод» колхозида сут-товар фермасини барпо этишда ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Икки нормадан

● ЯНГИҚИШЛОҚ. «Джизаксельстрой»нинг 63-механизациялашган колонна аъзолари М. Исломов, У. Сафаров, О. Худойбердиева ленинча шанбалик куни икки норма иш бажариш юзасидан ўз зиммаларига мажбурият олдилар. 16 апрель куни Фориш райони марказидаги қурилишларда пландан ташқари 1 минг сўмлик иш бажарилади.

Тежалган материаллар ҳисобига

● ГУЛИСТОН. «Сирдарьяводстрой» саноат-граждан қурилиши колоннасининг беш бригадаси меҳнат байрамида Мирзачўлдаги қурилиш майдонларида ишлашади. Бинокорлар байрамни энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш билан нишонлайдилар. Н. Егорова бошлиқ сувоқчилар бригадаси, М. Мустафоев етакчилигидаги гишт терувчилар бригадаси шанбалик куни тежаб қолинган материаллар ҳисобига ишлашга аҳд қилдилар.

Фаоллик

● ШАҲРИХОН. Шойи тўқувчилар қизил шанбаликда одатдаги кунларга қараганда 20 процент кўп маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Пешқадам тўқувчилардан С. Камолов, Ҳ. Усмонов, С. Исҳоқова смена топшириқларини икки баравар ошириб бажариш ниятидалар.

Д. Ф. УСТИНОВНИНГ ГДРГА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов бошчилигидаги совет ҳарбий делегацияси ГБСП Марказий Комитети ва ГДР Давлат Кенгашининг таклифига биноан шу йил апрель ойининг биринчи ўн кунлигида расмий дўстона визит билан Германия Демократик Республикасига боради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми қарорлари—ҳаётга!

УСТОЗЛАР МЕРОСИ

✦ ЧОРВАДОР ОИЛАНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ
✦ ЧОРВАЧИЛИКДА ҲАМ НАРЯДСИЗ ИШЛАШ МЕТОДИНИ ЖОРИЙ ЭТАЛИК
✦ МАҲСУЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН ОЗУҚА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ
✦ ЮТУҚЛАРНИ БАҲАМ КУРИБ, ЮКСАК НАТИЖАЛАР УЧУН КУРАШАМИЗ

Холбуви опа Худойбердиевани районимиздагина эмас, балки — областимизда ҳам ҳамма билади ва ҳурмат қилади. Опа бутун онгли ҳаёти ва жўшқин меҳнат фаолиятини чорвачиликни ривожлантириш, сут согиб олишни ошириш; аҳолининг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга бахшида этиб келган чорвадорлардан бири. Х. Худойбердиева чорвачилик соҳасидаги бунёдкорлик меҳнати эвазига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Унинг кўксини Ленин ордени, «Ўроқ ва Болга» олтин юлдузи безади. Биз, ёш сигир согувчилар опани ўзимизнинг устозимиз деб биламиз.

Холбуви опа пенсияга чиққан бўлса ҳам тез-тез чорва комплексига келиб туради. Қимматли маслаҳатлар беради. Қийиниликларни енгишда кўмаклашади. Районимиз шаънига чорвачилик сust ривожлантирилаётгани ҳақида танқидий фикрлар айтилди. Ҳатто матбуотда ҳам ёзилди. Шунда «Камчиликни тугатишнинг энг мақбул йўли меҳнатдир. Танқид ютуқларга чорлайди. Астойдил ҳаракат қилинглар, қизларим» деди опа. Совхозимиз маъмурияти, партия комитетида танқид тан олиниб, биз, сигир согувчиларга қаттиқ эътироз билдирилди.

Шундан бўён орадан ўтган ҳар кун ва ҳар соат совхозимизда чорвачилик, хусусан сигирчиликни ривожлантириш, маҳсулотларни кўпайтириш билан характерланадиган бўлиб қолди. Буни бизнинг чорвадор оиламиз аъзолари мисолида ҳам кўриш мумкин. Утган йили онам Анзират Алимова ўзига бириктирилган 16 бош сигирнинг ҳар бошидан 4000 килограммдан, синглим Озода Алимова 20 бош сигирнинг ҳар биридан 4050 килограммдан сут согиб олдилар. Менга 18 бош сигир бириктирилган. Бултур ҳар бош сигирдан 4115 килограммдан сут согишга эришдим. Кўрининг турибдики, бизнинг оила аъзоларимиз чорва комплексида кичиккроқ бир звенодир. Биз ана шундай муваффақиятга партия ташкилотларининг амалий ёрдамлари, устозимизнинг қимматли маслаҳатлари туфайли эришдик.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми қарорларида, айниқса, сигирлар сони оширилсин, 1985 йилда уларнинг сони республикамизда 600 минг бошга етказилсин ёки эришилган даражадан 30 процент оширилсин деб йилган. Бу айни кезда сут ва сут маҳсулотларини ҳам янада кўпайтиришга мустаҳкам замин яратиш демакдир.

Хўш, пленум қарори асосида районимиз ва совхозимизда қандай ишлар амалга оширилаётир? Шуни айтиш керакки, районимизда гўшт етиштиришни уч баравар, сутни 1,9 баравар, тухум етиштиришни 3,4 баравар кўпайтириш режалари аниқ белгиланиб, амалга оширилмоқда. Совхозимизда ҳам ана шундай ишлар, лекин тўла рўёбга чиқариш мумкин бўлган тадбирлар белгиланиб олинди.

Чорвадор оиламиз аъзолари нималар қилмоқчи? Ҳар биримиз шу йилнинг ўзида ҳар бош сигирдан согиб олинадиган сутни 350—400 килограмм кўпайтирамиз. Мен боқимандаги ҳар бош сигир маҳсулдорлигини 4500 килограммга етказаман.

Чорвадорларимиз олдида ғоятда муҳим бир вазифа турибди. У ҳам бўлса ички резервларни тўла сафарбар этиб, сут, гўшт, тухум ва бошқа хил маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотишда районимизни республика миқёсида илғорлар қаторига етказишдан иборатдир. Менга «Сен бир сигир согувчи бўлсанг, ўзингни бил, ўзгани қўй. Районнинг ишига аралашиб йима қиласан?» деб эътироз билдиришлари мумкин.

Йўқ, бу фикрга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Ҳар бир чорвадор, айниқса, сигир согувчи ўз хўжалиги, район, областида чорвачиликнинг тақдири билан шуғулланмоғи, республика қишлоқ хўжалиги илғорлари қуруқтойида қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоғи керак. Биз шу мақсадда оилавий чорвадорлар звеносн туздик. Барча колхозлар, совхозларда шундай звенолар тузилишини истардик.

Мен яна бир муҳим масалани ўртага ташламоқчиман. Пахтачиликда пудрат усулида ишлайдиган бригадалар ташкил қилиняпти. Нарядсиз ишлаш методи жорий этилмоқда. Чорвачилик, хусусан сут етиштиришга шу усулларни жорий этсак бўлмасмикин? Бунинг учун старли имкониятлар бор. Ем-хашак тайёрлаш бригадаларининг аъзолари молбоқарлар, сигир согувчилар билан ҳамкорликда озуқа экинлари майдонларини кенгайтиришлари, энг кўп ва тўйимли экинларни экишлари, ички эҳтиёжларни ҳисобга олиб, силос, сенаж бостиришлари мумкин. Чорва маҳсулотлари сотишдан олинган даромадлар эса улар орасида баравар тақсимланади. Маҳсулотлар кўпайтирилган сари шахсий манфаатдорлик ҳам орта боради. Бу ҳақда хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирадилар, деган умиддамиз.

Кейинги йилларда совхозимизда яхши анъаналар пайдо бўла бошлади. Масалан, чорва моллар учун озуқабоп экинлар экишдан олдин раҳбарларимиз биз, сигир согувчилар, молбоқарлар, ем-хашак тайёрлаш бригадалари аъзоларининг фикрларини ўрганиб чиқадилар.

Сигирларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун мажбуриятларнинг бажарилишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқ, беда жуда ҳам зарур. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин сўнгги вақтларда маккажўхори бўйчанлик хусусиятини йўқотиб қўяяпти. Илгари тўрт метр, ҳатто ундан ҳам баландроқ бўй чўзган маккажўхори пояси ҳозир бир ярим-икки метрга етганда попилдирик чиқариб, ўсишдан тўхтаб қоляпти. Айрим жойларда сўта кутилганча салмоқли бўлмаяпти. Дон камаймоқда. Силос бостириш топшириқлари бажарилмай қолаётир. Биз ана шундай салбий факторларни совхозимиз раҳбарларига ошкора айтяпмиз. Улар аҳволни тезкорлик билан тузатишга қаратилган чоралар кўрмоқдалар. Барча хўжаликларда ҳам шундай қилинса, фойдадан ҳали бўлмас эди. Танқиддан қўрқмаслигимиз, ундан камчиликларни бартараф этишда фойдаланмоғимиз керак.

Чорва моллар, айниқса, согин сигирлар қиш фаслида сершира кўк ўтларга жуда ташна бўлади. Лекин кўпчилик хўжаликларда ўшандай кўк ўтлар етишмайди. Оқибатда сут камаяди. Хўш, нега рапс, перко ва бошқа оралиқ экиндарни қиш фаслига атаб экмаймиз? Уруғлик, техника, ер етишмайдими? Ишчи кучи камми? Ҳамма жойда ана шундай кўк ўтларни иложи борича кўпроқ етиштириш чоғаларини кўрмоғимиз керак. Бусиз сут, гўшт, ҳатто тухумни кўпайтириб бўлмайди.

Социалистик мусобақани ташкил этиш ҳақида ҳам айтадиган гапларим бор. Мен кўп ва серқаймоқ сут согишда онам ҳамда синглим билан мусобақалашиб ишлайман. Ишимизга ҳар куни кечкурун якун ясаймиз. Ким кўп сут согиб олди-ю ким орқада қолди? Бунинг сабаблари нимада? Шу ҳақда батафсил фикрлашиб оламиз. Эртаси кундан бошлаб ютуқларни биргалиқда баҳам кўриш, нуқсонларни бартараф этиш учун ҳамкорликда курашамиз. Биз-лар билан бир сафда хизмат қилаётган сут согувчи дугоналаримиздан Раҳима Ҳабибназарова, Ҳадича Йўлдошева ва бошқалар ҳам айнан шу йўлдан бориб, сут согишда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Совхозимиз чорвадорлари ўн биринчи беш йилликни сут, гўшт, тухум ва бошқа хил озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришда рекорд кўрсаткичларга эришиш билан якунлайдилар дейишга ҳамма асослар бор ва бунёдкорлик меҳнати билан бунга эришамиз.

Муҳаббат АЛИМОВА,
Сирдарё область, Боёвут районидаги Пушкин номли совхоз сигир согувчиси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ТАЖРИБАСИДАН

ТАЪСИРЧАН ВОСИТА

Меҳнаткашларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини оширишда, уларнинг куч-ғайраётларини олдинда турган вазифаларни бажаришга сафарбар этишда, кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашда идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларнинг муҳим формаларидан бири — кўргазмали агитациянинг роли каттадир. Юксак дид билан бадиий жиҳатдан мукаммал ишланган кўргазмали агитация воситалари диққатни ўзига тортади, меҳнаткашлар онгига таъсир кўрсатиб, янада самарали ва сифатлироқ меҳнат қилишга илҳомлантиради.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлари янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида ғоявий-тарбиявий ишнинг бу муҳим соҳасига катта аҳамият берилганлигининг боиси ҳам шундадир. «Кўргазмали агитация воситаларидан тобора активроқ фойдаланилсин, — дейилади қарорда. — бу ишда маълум бир мезонга риоя қилинсин ва бадиий дид билан иш тутилсин». Райониниз партия ташкилотлари ана шу кўрсатмалар асосида иш юритиб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди, партия Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини, партиянинг программ ҳужжатларини омма ўртасида кенг пропаганда қилишда кўргазмали агитация воситаларидан самарали фойдаланмоқдалар.

Бу ишни янада яхши йўлга қўйишда район партия комитети ҳузурида ташкил этилган кўргазмали агитация бўйича жамоатчилик Советининг кўп қиррали фаолияти муҳим роль ўйнаётир. Партия, совет ходимлари, хўжалик ва ташкилот раҳбарларидан иборат 15 кишилик бу Совет ишни асосида изчил иш олиб боради. Унинг ҳар ойда бир марта ўтадиган йиғилишларида кўргазмали агитация ишларини яхшилаш масалаларини муҳокама қилиш билан бирга ибратли ташаббуслар қўллаб-қувватланиб, уларни амалга оширишнинг конкрет тавсиялари белгилаб берилаётир. Ана шу Совет ташаббуси билан район маданият бўлими, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати, колхозлараро коммунал хизмат кўрсатиш комбинати қошида бадиий безаш цехлари ташкил этилди.

Кейинги вақтда Чироқчи шаҳри ва район қишлоқларини кўргазмали агитация воситалари билан жиҳозлаш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди. КПСС ва Совет давлатининг тинчликсевар ташқи ва ички сиёсатини, совет халқлари дўстлигини тарғиб қилувчи паннолар ва шиорларни айни пайтда деярли ҳамма меҳнат коллективларида ва яшаш жойларида кўриш мумкин. Шаҳар марказида ташкил этилган «Илғорлар аллеяси» эса ишлаб чиқариш пешқадамларини шарафлаш, уларни янада самарали ишлашга чорловчи ажойиб ғоявий-тарбиявий марказга айланган. Бу ерда илғор кишиларнинг портретлари қўйилиб, улар шарафига байроқлар кўтарилмоқда. Шунингдек, шаҳар марказида ташкил этилган ўн биринчи беш йиллиқдаги вазифаларни, халқлар дўстлигини, СССРнинг Озиқ-овқат программасини пропаганда қилувчи кўплаб кўргазмали агитация воситаларининг ҳар бири меҳнаткашларни онгига таъсири катта бўлаётир.

Район пахта тозалаш заводи, колхозлараро механизациялашган кўчма колонна, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси партия ташкилотлари ва маъмуриятларининг кўргазмали агитацияни яхшилаш борасидаги ишлари ҳам диққатга сазовор. Бу ташкилотларнинг ҳовлиларида меҳнаткашларни унумли ва сифатли ишлашга чорловчи шиорлар кўзга кўринарли жойларга илиб қўйилган. Кундалик ишларнинг боришини, план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини акс эттирувчи панно ва стендлар, «Кўргазма тахта»лари, деворий газеталар, «Чақмоқ»лар мунтазам равишда чиқариб борилади. Илғорларнинг расмлари қўйилган «Ҳурмат тахта»лари юксак бадиий дид билан безатилган. Ана шундай ишлар «Москва» ва Ҳамид Олимжон номли совхозларда ҳам амалга оширилаётир. Бу хўжаликларнинг барча дала шийпонларида ва фермалари намунали кўргазмали агитация воситалари билан безатилган.

Ҳозирги пайтда райониниз хўжаликлари ва корхоналарида бўлсангиз, кўргазмали агитациянинг янги бир турини кўрасиз. Бу республика «Билим» жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган «Партия халқ билан бирга», «Совет турмуш тарзи», «Табиатни муҳофаза қилиш», «Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш» темаларидаги рангли туркум фотолавҳалардир. Лектор ва пропагандистлар жойларда бўлганида худди мана шу темалар юзасидан лекция ва суҳбатларни ўтказишда бу фотолавҳалардан унумли фойдаланмоқдалар. Уларнинг партия ғояларини омма онгига сингдиришдаги роли ҳам каттадир.

Чироқчи райони меҳнаткашлари айни кунларда халқ хўжалигининг барча соҳаларида зиммаларига олинган мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун зўр ғайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Ана шу курашни акс эттиришда, социалистик мусобақанинг боришини, илғорларининг иш тажрибасини кенг оммалаштиришда кўргазмали агитация воситаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам район партия ташкилотлари идеологик ишнинг бу тасирчан воситасидан фойдаланишга бундан буён ҳам катта эътибор бераверадилар.

М. АЛИБОЕВ,
Чироқчи район партия комитетининг секретари.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИ ТАРБИЯЛАБ ЕТИШТИРАЙЛИК

31 март куни Москвада ўз ишини тамомлаган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясининг қатнашчилари меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг актуал масалаларини муҳокама қилдилар.

Ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбия меҳнаткашларни, ёшларни социалистик Ватанни ҳимоя қилишга ғоявий-сиёсий, маънавий-психологик ва ҳарбий-техника жиҳатидан тайёрлашнинг аниқ мақсадни кўзловчи узлуксиз жараёни эканлиги конференцияда уқтириб ўтилди.

Конференция иштирокчилари ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси самарадорлигини ошириш, шу мақсадда Улуғ Ватан уруши солномасидаги шонли саҳифаларга тайёргарлик ишларидан кенг фойдаланиш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Халқимизнинг буюк ғалабалари тарихий аҳамиятини, Коммунистик партиянинг немис-фашист босқинчиларини тор-мор этишдаги раҳбарлик ролини тушунтириш, Совет давлатининг кучи ва енгилмас қудрати манбаларини пропаганда қилиш, Улуғ Ватан урушини сохталаштириб тасвирлашга уринувчи буржуа қаллобларини фош қилиш соҳасидаги оммавий-сиёсий ишни кучайтириш керак.

Конференцияни Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг правленияси, ВЛКСМ Марказий Комитети, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг Бош сиёсий бошқармаси, СССР ДОСААФ Марказий Комитети, Уруш ветеранлари совет комитети ўтказдилар. (ТАСС).

«КОСМОС-1448» ПАРВОЗДА

1983 йил 30 март куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-1448» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ этишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишламоқда. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧГА САДОҚАТ: ЎЗБЕКИСТОН—НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАГА

РУС ДИЁРИДАГИ ҲАШАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИНИНГ «УЗВЛАДИМИРВОДСТРОЙ» ТРЕСТИ ҲУЗУРИДАГИ МУХБИРЛАР ПУНКТИ ХАБАР БЕРАДИ

Ўзбекистон мелиораторлари Ноқоратупроқ ўлкани яшнатиш ишига тобора кўпроқ ҳисса қўшмоқдалар. РСФСРнинг Владимир области ерларини ўзлаштириш, бу жойларда агросаноат комплекслари, уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилишини тезлаштиришда ҳамюртларимиз фидокорона меҳнат қилаётирлар. Улар шу тарққа партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини амалга оширишдан иборат умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг Владимирдаги «Узвладимирводстрой» тресті бунёдкорлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида катта ҳажмдаги ишларни бажаришга аҳд қилганлар. Бу йил камида 650 гектар ер суғорма деҳқончилиққа тайёрлаб берилади. 1500 гектар майдоннинг суви қочирилади. 8306 квадрат метр уй-жой бинолари барпо этилади. 450 ўринли мактабгача болалар муассасалари қурилади. Жами 9 миллион 197 минг сўмлик пудрат ишлари бажарилади.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

«Ташкентводстрой» трестининг Владимир областидаги 4-механизациялашган колоннаси участкасининг бошлиғи Ленъяр Бавбеков билан суҳбатимиз давомида у қуйидагиларни таъкидлади.

— Дўстларимиз диёрида деҳқончиликни ривожлантиришда ўзбекистонликлар ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Алексей Николаев раҳбарлик қилаётган бригада мусобақада ғолиб. Бу коллективга 30 киши бирлашган. Улар аҳил ва иноқ, бир оиланинг аъзоларидек ҳамдам ва ҳамкор.

Ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирига амалий ёрдам кўрсатиш ажойиб самаралар беряпти. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши ҳиссобига бажариладиган иш ҳажми пландаги 1390 сўм ўрнига 1750 сўмгача етмоқда. Улар қанчалик тез ва сифатли меҳнат қилсалар, объектлар шунча барвақт фойдаланишга топширилишини биладилар. Иш вақтининг ҳар дақиқасидан барақали фойдаланаётирлар.

Бригада аъзолари бугунги кунда «Мосгипроводхоз» институтининг Владимир бўлими комплекси биносини бунёд қилмоқдалар. Қурилиш тез бораётганидан буюртмачилар ҳам, пудратчилар ҳам мамнун.

Қурилиш коллективининг ўз ишлаб чиқариш базаси вужудга келтирилганлиги бинокорлар ишининг тезлашишига катта ҳисса қўшмоқда. Дастлаб маиший объектлар тикланди. Кейин ишлаб чиқариш цехлари участкаларн барпо қилина бошланди. Бригада ихтиёридаги бульдозер, автокран, экскаватор, ағдарма машиналар, «КамАЗ»лардан унумли фойдаланилмоқда. Механизаторлар учун тайин иш бўлмаган вақтларда улар гишт териш, бетон қуйиш вазифаларини ҳам бемалол бажараверадилар. Планлар ой сайин эмас, балки ҳафтасига ва ҳатто ҳар кунига ишлаб чиқарилаётган ишлар ҳисобига бажарилиб, ҳар бир ишчи ва раҳбар ўз ишини ҳисобга олиб, ҳар бир ишнинг сифатини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, шу мақсадда Улуғ Ватан уруши солномасидаги шонли саҳифаларга тайёргарлик ишларидан кенг фойдаланиш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Халқимизнинг буюк ғалабалари тарихий аҳамиятини, Коммунистик партиянинг немис-фашист босқинчиларини тор-мор этишдаги раҳбарлик ролини тушунтириш, Совет давлатининг кучи ва енгилмас қудрати манбаларини пропаганда қилиш, Улуғ Ватан урушини сохталаштириб тасвирлашга уринувчи буржуа қаллобларини фош қилиш соҳасидаги оммавий-сиёсий ишни кучайтириш керак.

Конференцияни Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг правленияси, ВЛКСМ Марказий Комитети, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг Бош сиёсий бошқармаси, СССР ДОСААФ Марказий Комитети, Уруш ветеранлари совет комитети ўтказдилар. (ТАСС).

Владимир области корхоналарининг бинокорлик материаллари етказиб берувчилар билан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Кейинги вақтларда қурилиш материаллари кўтиб бекор туришларга барҳам берилди.

«Узвладимирводстрой» трести тавсия этган рағбатлантириш системаси афзалликларидан бригада аъзолари кенг баҳраманд бўлишяпти. Ғишт терувчи Суроб Исроилов ва Миртилла Мирҳамидов социалистик мусобақада эришган муваффақиятлари учун мотоциклар билан тақдирландилар.

Пудратчилар ўзларидан яхши из қолдиришга аҳд қилиб, бинонинг олд томонини Ўзбекистонда қўлланилган усуллардан фойдаланиб, пардозламоқдалар. Бунда мармар увоқларидан кенг фойдаланяпти. Ўзбекистонда биноларнинг олд томонини безашда мармар увоқларидан кўпгина биноларда фойдаланилган бўлса, бу усул Владимир областида биринчи марта қўлланиляпти. Ўзбек миллий нақшларидан фойдаланилган безакларга кенгроқ ўрин берилмоқда. Бу, ўзаро дўстлик ва қардошлик рамзи бўлиб қолажак.

ДАСТЛАБКИ УЙ-ЖОЙЛАР

«Асерховский» совхози — Владимир областининг гуллаб-яшнаётган хўжаликларидан бири. У Ўзбекистон вакиллари меҳнати билан кенгайиб, обод бўлиб бормоқда. Совхознинг марказий қўрғони вужудга келтирилаётир. Бу ерда дастлабки бешта уй-жой биноларн фойдаланишга топширилди. Дастлабки қурилган уч хонали уйларга Владимирлик деҳқонлар оиналарн кўчиб киришди.

Уй-жой қурилиши кенг кўламда олиб борилмоқда. Уларнинг ҳар жиҳатдан қулайлиги уйларда яшовчиларга манзур бўлмоқда.

СУРХОНДАРЁЛИКЛАР МАДАДИ

«Узвладимирводстрой» трести ҳузурида Сурхондарё области мелиораторларидан ташкил топган алоҳида механизациялашган кўчма колонна тузилгаади. Улар Владимир областидаги совхозлардан бирида сув хўжалиги объектларини тезкор усуллар билан бунёд қилмоқдалар.

Собин районидаги «Елховица» массивини ўзлаштириш ишлари, айниқса жадаллаштириб юборилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ юзлаб метр узунликдаги дренаж қувурлари ўрнатилиб, ботқоқликларнинг суви қочирила бошлади. Ерларнинг сувини қочириш юзасидан кўзда тутилган ишларнинг дастлабки навбатини бажаришнинг ўзигина 238 гектар ботқоқликларни деҳқончилик қилиш учун тайёрлаб беришга имконият яратди.

ЯНГИ ЭКИНЗОРЛАР

Меленков районидаги «Приклон» массивини ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бу ерда «Узвладимирводстрой» трестининг мелиораторлари қаҳрамонона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Шу йилнинг ўзида ана шу массивдан 200 гектарида деҳқончилик қилинади. Районда ўзбекистонликлар ғайрати билан янгидан янги экин майдонлари ўзлаштирилмоқда. Улар пешма-пеш деҳқончилик учун ҳозирлаб бериляпти.

БРИГАДА ПУДРАТИ УСУЛИДА

Самарқанд область вакилларидан иборат кўчма механизациялашган колонна аъзоларидан Юрьевец посёлкасида уй-жой биноларн қурилишини жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Яқинда 71 квартирали уйларнинг учинчиси фойдаланишга топширилди. Владимир областидаги баланд иморатлар — 9 қаватли уй-жой биноларн қурилишида Александр Трешалов бошлиқ хўжалик ҳисобидаги комплекс бригада намуна кўрсатмоқда. Бригада пудрати усулида ишлаш биноларн қурилишини жадаллаштириш, ишлар сифатини ошириш ва иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаб боришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон вакилларининг ғайрат-шижоати туфайли РСФСРнинг Ноқоратупроқ ўлкасидаги Владимир областида қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун янги имкониятлар вужудга келтирилмоқда. Бу «оқ олтин» ўлкаси мелиораторларининг мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишига қўшадиган амали ёрдамидир.

Г. ГОРЕЛИК,
РСФСРнинг Владимир области.

Қува мебель комбинати ишчилари элга манзур бўладиган сифатли маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш учун нурашмоқдалар. Корхонада бу йил 10 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади. Суратда: йиғув цехи бригадири Ҳ. Мамадалиев (чапда) ва ишчи Х. Рўзиев маҳсулот тайёрланадиган деталларни кўздан кечиришмоқда.

Ж. Тўраев фотоси.

КЕЧАГИ ПОЧТАДАН

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Зармитан дала геология-қидирув экспедицияси коллективи ер ости бойликларини излаб топишда кенг кўламли ишларни олиб бормоқда. Коллектив ўтган йил Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроғини қўлга киритди, республика «Меҳнат шуҳрати» китобига ёзилди.

Экспедиция йил сайин мукаммал машиналар, механизмлар, ускуналар, приборлар билан мустаҳкамланиб бормоқда. Марказлашган ва кўчма лабораториялар, устахоналар геологлар хизматида. Хазинатопарлар беш йиллиқнинг учинчи йили илк квартали топшириқларини ҳам барвақт бажаришга эришдилар.

А. НОРБОЕВ,
геолог.

ҲАР ҚАЧОНГИДАН КЎП

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Оҳангарондаги «Стройпластмасса» комбинати коллективи ишлаб чиқараётган полиэтилен плёнкалар деҳқонларга ёқиб қолди. Улар, айниқса, эртаги экин маҳсулотларини етиштиришда жуда кўл келмоқда. Бу йил корхона давлат Сифат белгиси билан 1200 тонна ана шундай плёнкалар тайёрлайди.

Комбинат аҳли беш йиллиқнинг учинчи йилида ҳар қачонгидан кўп линолеум, пластмасса маҳсулотлари, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаради. Йилнинг ўтган ойлари давомида корхонада пландагі 583 минг ўрнига 665 минг квадрат метр линолеум, 165 тонна ўрнига 187 тонна полиэтилен плёнкалар тайёрланди.

О. ХУШНАЗАРОВ.

КАЛЕНДАРДА — 1986 ЙИЛ

«Джизакстепстрой» территориал бошқармаси «Бустанстепстрой» трестининг 34-механизациялашган кўчма колоннаси бульдозерчилари Анатолий Крупский билан Марсел Ғаниев ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритишди. Улар шахсий беш йиллик пландаги 810 минг ўрнига 845—850 минг кубометрдан тупроқ ишлари бажардилар.

Илғор бульдозерчилар 1986 йил меҳнат календарини очишди.

И. ЖОНУЗОҚОВ.

* * *

Республикамиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари эришаётган меҳнат ютуқлари ҳақида редакция кўплаб хатлар олиб турибди. Улар орасида фарғоналик У. Аҳмедов, андижонлик Т. Ҳотамов, И. Муродов, Ш. Ҳошимов, сирдарёлик Қ. Ҳожиев, тошкентлик А. Валуйский, О. Бадалбоева, наманганлик Ш. Нишонов, Р. Умматов, И. Қаландаров, Қ. Тўраев, қашқадарёлик Т. Бойматов, хоразмлик Ф. Тангриберганова, К. Матназаров ўртоқлар йўллаган мактублар ҳам бор.

СИЁСИЙ СУҲБАТЛАР

ЯНГИ ИНСОН КАМОЛОТИ

Ўй-режалари ва дунёқараши жамият манфаатлари билан мукаммал уйғунлашган коллектив аъзосини тарбиялашга инсониятнинг буюк доҳийлари К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин ҳар доим катта эътибор бердилар. К. Маркс ва Ф. Энгельс сўзлари билан айтганда, ҳар бир инсоннинг вазифаси ўз қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантиришдан иборатдир. Владимир Ильич ўз устозларининг бу фикрларини давом эттириб, ҳар томонлама баркамол, кенг маълумотли инсон бизнинг идеалимиз бўлмоғи лозим, деб таълим берган эди.

Владимир Ильич янги жамиятнинг объектив эҳтиёжларини назарда тутиб, ҳар томонлама баркамол кишиларни тарбиялаш, шакллантиришдан иборат амалий вазифани қўяр экан, уларни амалга оширишнинг конкрет йўл-йўриқларини ҳам пухта белгилаб берди ва айни вақтда бу узоқ давом этадиган жараён эканлигини ҳам қайта-қайта таъкидлаган эди.

Меҳнаткашларнинг маданий савиясини муттасил ошириб бориш, уларни кенг билимлар, фан, санъат ва маданиятдан баҳраманд қилиш ривожланган социализмнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Владимир Ильич оташин коммунист, халқаро коммунистик ҳаракатнинг кўзга кўринган арбоби Клара Цеткин билан суҳбатда Улуғ Октябрь шарофати билан бунёдга келган янги ижтимоий тузумда янги кишилар камол топаётганлиги ва улар шу жамиятни ривожлантираётганликларини мамнуният билан қайд қилган эди.

Одамларни маданият ютуқларига жалб қилиш — бу уларга таълим-тарбия беришгина эмас, айни вақтда уларнинг ижтимоий активлигини ошириш, ижодиётга, бунёдкорликка интилиш туйғусини тарбиялаш ҳамдир. Зеро, киши қанчалик маданиятли бўлса, у жамият олдидаги масъулиятни шунчалик юксак даражада сезади ва қадрлайди. Бу борада адабиёт ва санъат асарларининг аҳамияти каттадир. Зеро, ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган бу соҳалар одамларнинг онги ва туйғусига маънавий таъсир кўрсатиш учун кенг имкониятларга эгадир.

Мазмундор китоб, юксак бадиий савиядаги спектакль, кинофильм, оромбахш музика асарларисиз бугунги ҳаётимизни тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам бизда адабиёт ва санъат асарлари кенг меҳнаткашлар оммасининг мулки бўлиб қолиши учун ҳамма имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Социалистик тузум инсон шахсининг маънавий ўсиши учун, янги жамият қуришга азму қарор қилган ғайратли ва шижоатли кишиларни тарбиялаш учун кенг йўл очиб беради. Лекин бу имкониятлардан бизнинг жамиятимизда кенг фойдаланилаётганлиги, энг муҳими унинг самаралари олға томон тараққиётимиз давомида қадамба-қадам яққол кўзга кўриниб турганлигидан буржуа социологлари кўз юмоқдалар. Улар, совет коммунистлари моддий бойликларни мўл-кўл яратишлари, халқнинг турмуш даражасини юксак поғонага кўтаришлари мумкин, лекин улар ҳеч қачон янги инсонни ярата олмайдилар, чунки инсон ўз табиатига кўра ўзгармасдир, деб даъво қилмоқдалар. Бу даъволарнинг пучлиги ўз-ўзидан аён бўлиб, бизнинг кундалик ҳаётимиз мажарасида пучга чиқмоқда.

Марксча-ленинча социология буржуа маддоҳларининг бундай ғоявий талқинини тўла инкор этади. Чунки, бизнинг философиямиз инсон табиатини ўзгартириш билан бирга, унинг ўзини ҳам тарбиялайди, атроф-муҳитнинг, ижтимоий муносабатларнинг ўзгариб бориши жараёнида одамларнинг ўзлари ҳам камол топади, деб таълим беради.

Социалистик жамият яратган энг қимматли, энг буюк бойлик инсондир. Унинг маънавий дунёси ўтган барча жамиятлардагига нисбатан кенг, ҳаёт принциплари ва эътиқоди юксак бўлиб, жаҳон маданияти ютуқларидан актив баҳраманд бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир совет кишисини ғоявий-ахлоқий жиҳатдан янада камол топтириш партиямизнинг юксак мақсадидир. Инсон шахсини ҳар томонлама ва гармоник ривожлантириш юксак даражада ривожланган коммунистик жамият қурилишининг энг муҳим шартларидан бирига айланган.

Социалистик жамиятнинг афзаллиги шундаки, у айрим шахсларни ёки муайян синфни эмас, балки жамият барча аъзоларини, бутун меҳнаткашлар оммасини баркамол қилиб тарбиялайди.

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг ажойиб асари — «Коммунистик партия манифести»да баён этилган ҳар бир кишининг эркин ривожланиши ҳаммаларнинг камол топиши шартидир, деган принципи давлатимизнинг ҳаётбахш принципи бўлиб қолди.

Мамлакатимиз 65 йиллик тараққиётининг асосий якуни ўлароқ, бизда тамомила янги жамият бунёд этилдики, бундай жамият инсоннинг тарихида бўлмаган. Унинг экономикаси тез суръатлар билан ривожланиб, илмий материалистик дунёқараши муттасил кенгайиб бормоқда. Ўз сиймосида чуқур ғоявий эътиқоди ва катта ҳаётий куч-ғайратни, юксак маданият, кенг билимларни мужассамлаштирган ва энг муҳими уларни ҳаётда қўллана биладиган янги инсон ўсиб етишди. Совет кишиси — бу ҳалол меҳнаткаш, юксак сиёсий онгли, маданиятли, оташин ватанпарвар ва чинакам интернационалист инсондир.

Бизда ҳамма ибрат олса арзийдиган совет турмуш тарзи қарор топди. Чинакам коллективизм ва ўртоқлик муҳити, мамлакатимиз барча миллатлари ва элатларининг дўстлиги ва жипслиги ибратомуздир. Бу дўстлик ва жипслик кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда, маънавий қиёфамиз эса бизга катта куч бағишлайди.

Биз яшаётган XX аср атом, кибернетика, космосни ўзлаштириш асри, фан-техника революцияси давридир. Ҳақиқатан ҳам, инсон коинот бағрига йўл очди, унинг яратувчилик ақл-заковати ҳаётнинг ҳамма соҳаларида яққол кўриниб турибди. Бизнинг социалистик давримиз бу — ҳар томонлама ривожланган, пок ниятли, режалари улуғ инсонлар жамиятининг кўзгуси даражасига етди.

Бизнинг мамлакатимиз шахсни баркамол қилиб тарбиялаш учун барча моддий ва маънавий имкониятларга эга. Лекин ҳар бир инсон ана шу имкониятлардан энг оқилона фойдаланиши ҳам, айниқса, муҳимдир.

Социализм чуқур тафаккур қилувчи, хусусий мулкчилик психологиясидан, ўтмиш сарқитларидан холи, коммунистик онгли кишини тарбиялайди. Бизнинг давлатимиз кишиларнинг турмуш даражасини ошириш учун актив курашар экан, айни вақтда истеъмолчилик, эгоизм, мешчанлик, молпарастлик каби иллатларни қатъиян қоралайди. Зотан, бу иллатларнинг ўзи инсоннинг ғоявий ва интеллектуал савиясини камситиб, маънавий жиҳатдан қашшоқлантиради. Афсуски, бизнинг орамизда ҳали ҳам майда буржуа найриятига, молпарастликка берилган, ҳашаматли яшашга интилувчи кишилар ҳам учраб туради. КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг қарорларида социалистик жамиятнинг бутун воситаларини ишга солиб, текинхўрлик, порахўрлик, чайқовчилик, меҳнатсиз бойлик орттириш, социалистик мулкка ҳар қандай йўллар билан кўз олайтириш каби иллатларга қарши кескин кураш олиб бориш лозимлиги қайд қилинади.

Бизга баркамол инсон тарбияси соҳасида иш олиб борар эканмиз, коммунизм қурилиши ишига онгли мусобатда бўлувчи кишиларни тарбиялар эканмиз, орамизда ҳар хил юлғичлар, ғайриқонуний даромад ҳисобига бойлик орттирувчилар, ҳалол меҳнатдан бўйин товловчиларга қарши жамоатчилик фикрини тўғдиришимиз керак.

Ҳаёт шуни кўрсатадики, барча миллат ва элатларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан равнақ топиши муқаррар равишда ҳар миллий онгнинг ўсишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу қонуний, объектив жараёндир. Бу ўринда эришилган муваффақиятлардан қонуний фахрланиш туйғуси манманликка айланиб кетмаслиги, бошқа миллат ва элатларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини кучайтирмоғи лозим. Бу ўринда тилга, маданий ёдгорликларга, тарихий воқеаларга марксча-ленинча нуқтаи назардан, партиявий позициядан туриб муносабатда бўлиш ҳам, айниқса, муҳимдир.

КПСС XXVI съезди ҳужжатларида кишиларда коммунистик эътиқод, ўз маънавий кучларига қатъий ишонч ҳиссини тарбиялашга катта эътибор берилган. Бу ҳол ҳар бир инсоннинг энг яхши томонларини тўла намоён қилиши, умумий ишимиз учун актив курашлар олиб бориши учун энг қулай шароит яратади. Бу жиҳатларни социалистик экономиканинг муттасил ривожланиб бораётганлигида, Озиқ-овқат программасини амалга оширишда, Ноқоратупроқ зонани, Сибирни бағрикенгликда ва ҳамжиҳатлик билан ўзлаштиришда, Байкал-Амур магистрали, Волга, Днепр, Енисей, Ангара электр станцияларини бунёд этишда, фазонинг сирларини ўрганишда яққол кўриб турибмиз. Бу бунёдкорлик ишлари совет кишиларининг актив ижтимоий-сиёсий фаолиятидан, совет кишиларининг ахлоқий етуклиги, маънавий гўзаллигидан далолат беради.

Ўзбекистон меҳнаткашлари 1982 йилда халқ хўжалигини ривожлантиришда ажойиб натижаларга эришиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақа ғолиб бўлдилар.

Моддий фаровонликнинг ўсиши, маданий-оқартув ишларининг кенг йўлга қўйилаётганлиги, маънавий бойликларнинг қўпайиши ўз-ўзидан кишиларнинг коммунистик онглилиги ва маданий савиясини ошириб кўя қолмайди. Бу тадбирлар кишиларда коммунистик дунёқарашни шакллантириш, ўтмиш сарқитларини тугатиш учун объектив шарт-шароит яратишга ҳам қаратилган. Шунинг учун партия, совет, барча жамоат ташкилотлари кишиларнинг маданий савиясини ва ижтимоий онгини ошириш учун ҳамма моддий имкониятлар ва ғоявий тарбиявий ишлар воситаларидан кенг фойдаланмоқдалар.

Шуниси диққатга сазоворки, сўнгги йилларда республикамизнинг кўпгина колхозлари, совхозларида замонавий, гўзал клублар, маданият саройлари, кутубхоналар ва бошқа маданий муассасалар бунёд этилди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда тўрт минг клуб, 5 мингдан кўп киноустановка, 6 минг оммавий кутубхона, музейлар, спорт иншоотлари, маданий комплекслар қурилди. Улар ўзларининг фаолияти билан халқнинг маданий савиясини ошириш, ҳар томонлама баркамол кишини тарбиялаш ишларини тобора кенг йўлга қўймоқдалар.

Кўпмиллатли совет Ватани меҳнаткашлари халқнинг моддий ва маънавий даражасини муттасил ошириш ҳақидаги партия кўрсатмаларини, йўл-йўриқларини амалга ошира бориб, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилмоқдалар.

Ғ. НАЖИМОВ,
философия фанлари номзоди, доцент.

Чорвачилик — зарбдор фронт

ИККИ ТАРМОҚ БИРЛИГИ

Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхоз йиллик гўшт тайёрлаш планини бажарди. Давлатга пландаги 96 тонна ўрнига 110 тонна гўшт сотилди. Ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 478 килограммга етказилди. Биринчи кварталда тайёрлов ташкилотларига 167 тонна ўрнига 270 тонна сут топширилди. Бу йил 1300 тонна серқаймоқ сут тайёрланади.

КОЛХОЗИМИЗ Хоразм областидаги кўп тармоқли, юқори ҳосилли хўжаликлардан бири. Пахтачилик ва чорвачиликни баравар ривожлантирмоқдамиз. Пахта ва гўшт, сут, тухум етиштириш йил сайин кўпайтирилаётир. Сўзимнинг исботи учун айрим мисоллар келтираман. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган икки йилида давлатга планда белгиланган 14.600 тонна ўрнига 17.430 тонна пахта топшириб, катта галабага эришдик. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги ўртача 49 центнерни ташкил этди. Бошқа хил маҳсулотлар тайёрлаш топшириқлари ҳам ортиғи билан адо этилди.

Энди чорвачилик соҳасига кўз ташлайлик. 1982 йилда 150 тонна ўрнига 170 тонна гўшт, 970 тонна ўрнига 1200 тонна сут, 190 минг дона ўрнига 290 минг дона тухум тайёрланди. Бир сўз билан айтганда, ҳалол меҳнат билан ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки икки йили учун белгиланган чорва маҳсулотлари тайёрлаш ва давлатга сотиш планларини ортиғи билан адо этдик.

Қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари миқдорини кўпайтириш, сорти ва сифатини яхшилаш йўли билан ялпи даромадни кескин кўпайтиришга муваффақ бўлдик. Еки бошқача айтганда, ўтган йилнинг ўзидагина 7 миллион 520 минг сўмдан кўпроқ даромад олдик. Бу кўзда тутилганидан 3 миллион сўм кўп демакдир. Катта даромад эвазига колхоз қишлоқларини посёлка системасида қайта қуряпмиз. Колхозчи-деҳқонларнинг турмуш маданиятини юксалтиряпмиз. Ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаяпмиз. Ўн биринчи беш йилликнинг қолган йилларида пахтачилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда янада улканроқ ғалабаларга эришувга мустаҳкам замин яратяпмиз.

Ўн мисолларни келтириш билан демоқчиманки, ҳар бир колхоз ва совхозда беш йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун барча имкониятлар бор. Ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, янги резерварни тўла ишга туширсак, меҳнатда янги зафарларга эришмоғимиз керак. Бунинг учун меҳнат интизомини мустаҳкамлаймоғимиз, пахтачилик, чорвачилик ва бошқа тармоқларда пудрат ва ҳақ тўлашнинг нарядсиз усулларини янада кенгроқ қўллаймоғимиз, меҳнат унумдорлигини ошириб, юқори самарадорликка эришмоғимиз керак.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов партия Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленумидаги ғоятда сермазмун нутқида СССРнинг Озиқ-овқат программаси ҳақида гапириб бундай деди: «Озиқ-овқат программаси бажарилишини чўзиб юбориш ҳам мумкин эмас. Агросаноат комплексининг ходимлари куч-ғайратларини кун сайин ошириб, бу вазифани ҳал этишга сарфланаётган жуда катта маблағлар бугунок самара берадиган ва эртага эса яна ҳам кўпроқ самара берадиган даражада меҳнат қилишлари керак».

Колхозчи-деҳқонларимиз, миришкор чорвадорларимиз ана шу йўл-йўриқлар асосида 1983 йилда пахта, чорва маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни янада кўпайтириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб, изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Шу ўринда яна айрим рақамларни келтираман.

Бу йил 10 минг тонна пахта етиштирамиз. Бу планда кўзда тутилгандан қарийб 2500 тонна кўпдир. Ҳар гектар ер ҳосилдорлигини 53,7 центнерга етказамиз. Қабул қилган социалистик мажбуриятимиз реал бўлиб, уни тўла амалга ошириш учун ҳамма имкониятларга эгамиз. Пахта майдонлари чигит экишга қийлаб қўйилган. Техника воситалари тайёр. Механизаторлар, экиш экипажлари состави комплектланган. Тупроқ қатламида ҳарорат кўтарилиши билан чигит экишни бошлаймиз ва бу муҳим иши узоғи билан 7-8 иш кунида сифатли қилиб тамомлаймиз. Ҳар гектар майдонда белгиланганидан 15-20 процент кўпроқ кўчат сони бўлишига эришамиз.

Масаланинг муҳим томони шундаки, бу йил 55-60 центнерчи пахтачилик бригадалари сонини ўтган йилдагидан деярли тенгма-тенг кўпайтирамиз. Хўжалигимизда 60 центнерчи бригадалар сафи тобора кенгаймоқда. Бригадаларимизнинг ҳаммасини хўжалик ҳисобида ишлайдиган пудратчи бригадаларга айлантирамиз. Ташаббускорлик, тежамкорликни бутун чоралар билан кучайтирамиз. Сафимизда интизомни бузувчилар, қолоқлар бўлмайди. Кекса-ёш, ўсмир — барча зарбдорларча ишлайди, планлар ва мажбуриятларнинг бажарилишига ўзининг муносиб улушини қўшади. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, колхозимизни коммунистик меҳнат коллективига айлантирамиз.

ЧОРВАДОРЛАРИМИЗ улкан режаларни белгилаб олдилар. Бу йил гўшт етиштиришни ўтган йилдагидан 20 процент, сутни 16 процент, тухум етиштиришни 1,6 баравар кўпайтирамиз. Белгиланган маррани эгаллаш учун социалистик мусобақани дақиқалар сайин кучайтирмоқдамиз. Сигирлардан олинган бузоқларнинг ҳаммасини насл учун асраймиз. Ўмуман чорва молларнинг чиқимга чиқишига, беўрин сарфланишига мутлақо йўл қўймаймиз. Бу йил ҳар бош сигирдан олинадиган сутни ўтган йилдагидан 200 килограмм кўпайтириб, 3000 килограммга етказамиз. Илғор сут соғувчиларимиздан Бекажон Ражабова, Анор Бобожонова, Авазжон Ражабовалар ҳар бош сигирдан 4000 килограммдан сут соғиш ташаббуси билан чиқдилар. Колхоз правлениеси ва партия комитети уларнинг иш тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантириш чораларини кўрмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз бозордан чорва моллар сотиб олиш эвазига эмас, балки ўз хўжалигимизда етиштирилаётган ёш чорва моллар ҳисобига шу йилнинг ўзидагина қорамолларнинг умумий сонини 1800 бошга, шу жумладан сигирларни 500 бошга етказамиз. Чўчқалар ва паррандалар сонини икки баравар кўпайтирамиз. Чорвадорларимиз, айниқса, мутахассисларимиз чорва моллар маҳсулдорлигини ошириш учун астойдил курашмоқдалар. Илғорларни мунтазам рағбатлантириб боряпмиз. Янги озуқа тайёрлаш цехи, 200 бошга мўлжалланган сигирхона қурилиб фойдаланишга топширилди. Замонавий соғиш агрегатлари ўрнатилди. Бутун ишлаб чиқариш жараёни комплекс механизациялаштирилмоқда.

Чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. 116 гектар эски бедазор бор эди. Шу йил баҳорда яна 108 гектар майдонга беда экдик. 187 гектар ерда маккажўхори дони, 30 гектар майдонда силосбоп кўкпоя, 30 гектар ерда ҳашаки лавлаги етиштирамиз. Гектаридан 100 центнердан «каҳрабо дон», 180 центнердан беда пичани олишни бош вазифа қилиб қўйдик ва бунга сўзсиз эришамиз.

Яқин фурсатда чигит экишни оммавий равишда бошлаймиз. Унгача озуқабоп экинлар экишни юз процент тугаллаймиз. Чигит экишни биринчи бўлиб 60 центнерчи Исмоил Шарипов, Хўжаниёз Собиров, Ҳайитбой Одамовлар бригадаси бошлайди. Мадраҳим Собиров, Фарогат Машарипова, Одамбой Нуразизов, Фахриддин Нуралиев каби донгдор механизаторларимиз колхозимиз катта карвонида байроқдорлик қиладилар.

Биз, колхозчи-деҳқонлар, чорвадорлар партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигини ҳар қаламда кўриб ва сезиб турибмиз. Бу ғамхўрликка жавобан пахта, гўшт, сут, тухум, дон, пилла ва бошқа хил маҳсулотлар етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришни ўзимизнинг шарафли бурчимиз деб биламиз.

Аҳмаджон ЮСУПОВ,
Хоразм область, Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Республикамиз бўйлаб

ҚИШЛОҚ МЕДИКЛАРИ ЎҚИШМОҚДА

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида қишлоқ медикларн малакасини оширишнинг янги системаси ишлаб чиқилди. Бу система соғлиқни сақлаш ходимларини ўтган йиллардагига нисбатан анча кўплаб жалб этишни кўзда тутади. Институтда 250 нафар фан доктори ва кандидатлари дарс бермоқда. Улар қишлоқ жойлардан келган врачларга медицина фанининг эллик йўналишдаги сўнгги ютуқларини ўзлаштиришда кўмаклашмоқдалар.

«САЛОМАТЛИК ПАСПОРТИ»

Ғазвот суғориш канали соҳилида Хоразм электр тармоқлари корхонасининг шифохонаси қад кўтарди. Комплекс балчиқ ва сув билан даволайдиган муассасалар, спорт майдончаларидан иборат. Бир йил мобайнида бу ерда мингдан ортиқ киши шифо топади.

Ҳозир санаторийда ҳар бир энергетик учун «Саломатлик паспорти» ёзилмоқда. Бунда саломатлик тўғрисидаги маълумотлардан ташқари, меҳнат ва дам олиш режимига риоя қилиш, физкультура билан шуғулланиш борасидаги врач тавсиялари ҳам киритилади.

Бу областда мазкур типда қурилган учинчи профилакторий-санаторийдир. (ЎзТАГ).

НАВБАТ — ПАРВАРИШГА

КАРТОШКА ЕТИШТИРИШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Чортоқ районидаги «Ленинизм» совхозининг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Карим Хонкелдиев бошлиқ бригадаси областда биринчилар қаторида картошка экишни тугаллади. Турсунхўжа Тожихўжаев, Насимхон Қорабоев каби механизаторлар бу ишнинг қисқа муддатда адо этилишига муносиб ҳисса қўшдилар. Абдуллахон Дадахўжаев бошлиқ бригада аъзолари ҳам бу муҳим агротехник тадбирни тугаллаганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Совхоз деҳқонлари бу йил ҳар гектар ердан 150 центнерга етказиб картошка ҳосили олиш учун курашмоқдалар. Ҳадемай экинга биринчи ишлов бериш бошланади.

Чуст районидаги «Россия» совхозининг меҳнаткашлари бош йилликнинг учинчи йилида қарийб 2 минг тонна картошка етиштиришга ваъда қилишган. Бу нияттга эришиш учун тупроқда етарли иссиқлик таъминланиши билан совхоз ишчилари картошка экишга киришиб, уни қисқа фурсатда тамомладилар. Ҳар гектар ердан 150—160 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга сўз берган Шуҳрат Мадолимов, Йўлдош Отажонов етакчилик қилаётган бригадаларда бу иш сифатли адо этилди.

А. НИЁЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КУЧАТ ЭКИШ ОИЛИГИ

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Чиноз районидаги «Олмазор» совхоз-заводи соҳибкорлари Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун боғларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Хўжалик боғбонлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида давлатга 3550 тонна мева, 3100 тонна узум етказиб бериш мажбуриятини олишган.

Совхозда 530 гектар майдонда олма, нилос, олхўри, шафтоли сингари мевалар парвариш қилинмоқда. Ана шунинг 334 гектари ҳосил беради. Ҳозир боғларга ишлов бериш, суғориш, озиқлантириш, дарахтларга шакл бериш, ҳашаротларга қарши дорилаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Токзорларда токларни очиш ва ишкомга кўтариш ишлари ниҳоясига етказилди. Мавжуд 280 гектар майдондаги ток қатор ораларига юксак агротехника талаблари асосида сифатли ишлов берилди.

Шу кунгача 20 гектар майдондаги боғларни реконструкция қилиш тугалланди. 12 минг туп олма, шафтоли, олхўри экилди. М. Десина бошлиқ бригада боғбонлари ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Механизатор Владимир Курмак, боғбонлардан Албина Юсупова, Николай Шилов, Усеин Меделовлар кўчат ўтқазишда барчага ўрнак бўлишаётир.

Совхоз-заводда ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланилмоқда. Боғ ва токзорлар орасидаги 25 гектар майдонга беда, 4 гектар майдонга эса эртаги картошка экилди.

Т. ТЎҚЛИБОЕВ,
Тошкент области.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИ ЖИЛОВЛАНСИН

Совет Иттифоқи Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун қатъият билан курашмоқда. У АҚШнинг авантюрачиликдан иборат милитаристик йўлига изчил, принципиал, ғоят тинчликсевар сиёсатни қарамақарши қилиб қўймоқда, бу сиёсат қуролланиш пойгасини жиловлашга, ядро ҳалокатининг олдини олишга қаратилган. Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» мухбири саволларига жавоблари хусусида халқаро майдонда билдирилаётган фикр ва мулоҳазаларнинг асосий мазмуни мана шундан иборат.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг «Правда» саволларига қайтарган жавоблари СССР тинчлик ишини қатъият ва собиқадамлик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилаётганлигининг янги ёрқин ва ишонарли далилидир. Совет Иттифоқининг мана шу принципиал позицияси барча қитъаларда астойдил қўллаб-қувватланмоқда, деди БХР ташқи ишлар министрининг ўринбосари **Л. Гоцев.** АҚШнинг хатти-ҳаракатлари бутун дунёга, барча давлатлар ва халқларнинг манфаатларига таҳлика солмоқда. СССРнинг ядро қуролларини чеклаш ва қисқартиришга оид самарали тадбирларни амалга оширишга, дунёни ядро ёғинидан омон сақлаб қолишга қаратилган сиёсати Вашингтоннинг телбанамо сиёсатига зид бўлган бирдан бир оқилона ва реалистик сиёсатдир.

Боливия АҚШ бошлаб юборган қуролланиш пойгасига қатъиян қарши чиқади ва ядро ҳалокатининг олдини олиш учун барча тинчликсевар кучларнинг бирлигини айни ҳозирги пайтда ҳар қачонгидан ҳам зарурдир, деди Боливия ташқи ишлар министри **Марио Веларде Дорадо.**

Ҳарбий проблемалар билан шуғулланувчи ахборот марказининг директори истеъфодаги контр-адмирал **Ж. Ларок** (АҚШ) Рейган маъмуриятининг ҳарбий-лаштириш йўлини кескин танқид қилди. Вашингтон маъмурияти, деди у Австрияда чиқадиган «Профиль» журналининг мухбири билан суҳбатда, Ғарбий Европада янги турдаги ракета-ядро қуролини жойлаштириш режаларини тузиш орқали Европада «чекланган» ядро урушига ҳозирлик кўрмоқда.

Совет Иттифоқи шундай хулосага келдики, АҚШ куроллар-яроғлар устидан чинакам контроллик қилиш тўғрисидаги музокараларга ҳар хил йўллар билан тўсиқ бўлмоқда, деб ёзади **«Вашингтон пост»** газетаси. Совет раҳбари Рейганнинг ниятлари саммитмайлигини шуҳа остига қўйиб, уни давлатлар ўртасидаги мунсабатларда ноқўя усуллар ишлатишда айблади. Ю. В. Андропов Совет Иттифоқи қурол-яроғларнинг ҳеч қандай янги системаси ҳусусида АҚШдан орқада қолмаслигини равшан қилиб айтди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, деб таъкидлади Ғарбий Берлинда чиқадиган **«Вархайт»** газетаси, Америка президентининг ноҳоз усулларини кескин танқид қилиб, шу билан бирга «СҚЧ-2» шартномасини йўққа чиқарган кисалар энди тинчликсеварлик позициясида турилиб, ўзгаришлар ясалмаслигини уқириб ўтди.

Совет раҳбарининг сўҳбати, деб ёзади Даниядаги **«Ландог фольк»** газетаси, Америка билан НАТОнинг агрессив ядро стратегиясига қаттиқ зарба беради. Совет раҳбари Америка маъмуриятининг АҚШ ўзининг қуролланиш пойгасини кучайтириш йўлини ниқоблаш учун рўкач қилаётган «совет ҳарбий хавфи» тўғрисидаги сийқасафсаталари сохталигини очиқ-равшан фош қилиб ташлади.

Грециядаги **«Элефтеротипия»** газетасининг ёзишича, Совет Иттифоқи АҚШнинг ҳарбий устунликка эришишига ҳеч қачон йўл қўймаслиги тўғрисидаги огоҳлантириши, шунингдек ядро ҳалокатининг олдини олиш йўлидан бориш тўғрисида Вашингтонга қилинган даъват — Ю. В. Андроповнинг Вашингтоннинг милитаристик режаларига берган жавобидир.

Японияда чиқадиган **«Асахи»** газетаси Америка ҳукуматининг милитаристик йўлидан хавотир олаётганини изҳор этиб, АҚШ СССР билан жиддий музокаралар йўлига ўтиши лозим эди, чунки фақат мана шу йўл билан ядро қуролини чеклаш истиқболини очиши мумкин, бу қуролни ғамлаш эса тинчликка хавф солади, деб ёзади. Вашингтон қилаётганидек мудофаа баҳонасида ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасини авж олдириш ярамайди, деб таъкидлайди газета.

(ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Болгариянинг Плевен шаҳридаги кефть химияси комбинати қошида ташкил қилинган ёрдамчи хўжалик ишчилар ошхонасини ҳўл мева ва гўшт билан таъминлашга кўмаклашмоқда. Хўжаликда атиги ўн киши ишлайди. Корхона территориясида жойлашган чўчқачилик фермасида ҳар йили минг бошгача чўчқа болалари боқиб семиртирилади. Чўчқачилик фермаси билан ёнма-ён теплица қурилган бўлиб, бу ерда бутун йил давомида турли сабзавот етиштирилади. Бундан ташқари, комбинат қўйлар боқиш ва боғлар барпо этиш учун маҳаллий ҳокимиятдан шундай катта бўлган ёрдамчи хўжалик Плевендаги корхона коллективига кўп фойда келтирмоқда. Маҳаллий ошхонага мунтазам равишда сабзавот ва гўшт етказиб берилаётганлиги туфайли таомлар сифатини яхшилашга ва уларнинг турини кўпайтиришга эришилди.

Ишчилар ошхоналари учун қўшимча маҳсулот етиштириш юзасидан ўз комплексларини вужудга келтирган Болгариядаги айрим корхоналарнинг тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда. Ҳозирги вақтда мана шундай ёрдамчи хўжаликларда жами 12 мингта қорамол, 300 минг бошга яқин чўчқа, 100 минг бош қўй бор.

БХРдаги бир қанча завод ва фабрикаларда балиқчилик ва теплица хўжаликлари ҳам ташкил қилинган. Бу эса саноат корхоналарининг ошхоналарида овқат қиймати арзон ярмига камайтириш имконини берди.

Кейинги вақтларда республикадаги саноат корхоналари билан агросаноат комплекслари ўртасидаги ҳамкорлик янада кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Агросаноат комплексларининг раҳбарлари ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш учун корхоналарга ўзаро манфаатли шартларда ер ва қишлоқ хўжалик машина-механизмларини берадилар.

Ўз навбатида корхоналар чорвачилик ва теплица объектларини қуришда, сабзавот ва мевали экиндар ҳосилини йиғиштириб олишда деҳқонларга ёрдам бермоқдалар. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришда агросаноат комплекслари билан корхоналарнинг материал ва меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланилмоқда.

А. МИХАЙЛОВ.

НИКАРАГУА:

Ҳам меҳнат, ҳам кураш

МАНАГУА. Корхоналар узлуксиз ишлаб турганлиги, аҳоли энг зарур маҳсулотлар билан таъминланаётганлиги мамлакатдаги турмуш бир маромда давом этаётганидан далолат беради. Никарагуа революцион давлати турмушнинг мана шундай маромини гарантиялаб туриоди, деди Никарагуа миллий тикланиш ҳукумати раҳбар кенгашининг аъзоси Серхио Рамирес.

Қўшма Штатлар қўллаб-қувватлаб турган сомосачи газандаларнинг агрессив ҳаракатларига қарамай, деб таъкидлади у, бизнинг нқтисодий режаларимиз муваффақиятли бажарилмоқда. Аксилинқилобчилар пахта терининг охирги босқичини барбод эта олмадилар.

Деҳқонлар, деб уқтирди С. Рамирес, — давлатнинг ёрдамига таяниб, янги қишлоқ хўжалик йилига ҳозирлик кўрмоқдалар. Корхоналарнинг цехларида ва жазирама иссиқ бўлиб турган пахтазорларда «меҳнат» ва «мудофаа» сўзлари бир-биридан ажралмас тушунчалар бўлиб қолди. Сандиночи халқ милициясининг сафларига кун сайин юзлаб янгиянги кўнгиллилар келиб қўшилмоқда. Ишчилар ва деҳқонлар ўз корхоналари ва кооперативларини ҳимоя қилишга, революция ғалабаларини ҳимоя қилишга доим тайёр бўлиб турибдилар.

Матагальпа департаментининг меҳнаткашлари экономика объектларини кечаю-кундуз кўриқламоқдалар. Марказий разведка бошқармасидан одамларни ўлдириш, учраган ҳамма нарсани ёндириш ва вайрон қилиш топшириғини олган аксилинқилобчилар гуруҳи шу зонада ҳали ҳам ғаламислик қилиб юрибди. Матагальпа шаҳарлари ва посёлкаларининг аҳолиси ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядларини мустаҳкамлоқда. Гарчи сандиночи халқ армияси билан бўлган жангларда анча зиёнфлашиб қолган бўлса ҳам, аммо аламга чидаёлмай ҳамон ёвузларча қонли жиноятлар қилиши мумкин бўлган сомосачиларнинг ҳар қандай ҳужумини даф қилишга ҳозирлик кўрмоқда.

Матагальпа департаментининг маъмурий маркази, — шу номдаги шаҳар аҳолисидан минглаб киши сомосачиларнинг собиқ казармаси территориясига тўпланиб, АҚШ билан контрреволюциянинг Никарагуадаги халқ ҳокимиятига нутқ етказиш йўлидаги уринишларига қарши норозилик билдирдилар.

(ТАСС).

ЖЕНЕВАДАГИ МУЗОКАРАЛАР

ЖЕНЕВА. 1 апрель. (ТАСС). Кеча бу ерда СССР ва АҚШ делегацияларининг ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Шу билан стратегик куролларни чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги музокаралар ҳозирги давраси тугади.

Музокаралар шу йил 8 июндан бошлаб давом эттирилади, деб келишиб олинди.

ЛИВАНДАГИ АҲВОЛ

БАЙРУТ. 1 апрель. (ТАСС). Шарқий Ливандаги Бекаа водийси районида аҳвол кескин бўлиб турибди. Ўтган кун мобайнида Исроил қўшинларининг бўлинмалари билан Ливанда тинчликни сақловчи арабларо кучлар таркибига кирган Сурия қисмлари ўртасида қаттиқ артиллерия отишмаси бўлди. Агрессорнинг янги-янги танк қисмлари водий районига келтириб қўйилмоқда. «Ас-Сахафия» ахборот агентлигининг хабар қилишича, исроилликлар Байрутдан 20 километр жанубдаги Дамур шаҳри яқинида ҳарбий аэродром қуришга киришдилар.

Ливан жанубида босқинчилар ҳаммаёқни зўр бериб элак-элак қилиб текширмоқдалар, аҳоли пунктларида ва фаластинлик қочоқларнинг лагерларида тинтув ва қидирув ўтказмоқдалар.

Исроилликларнинг шафқатсиз жабр-зулмига қарамай, Ливан жанубидаги фаластинликларнинг кўпгина лагерларида фаластинлик араб халқи нишонлаётган «Ўлка куни» муносабати билан ялпи иш ташлаш эълон қилинди.

ҚАТЪИЙ ТАЛАБ

ДЕҲЛИ. Покистон Миллий партияси Зиёул Ҳақ ҳарбий режимининг халққа зид сиёсатини танқид қилди. ПТИ ахборот агентлигининг хабар беришича, мазкур партия марказий ишчилар комитетининг Лохурда бўлиб ўтган икки кунлик мажлиси қатнашчилари Исломобод маъмуриятидан Покистон гражданларига демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар беришни, мамлакатда сиёсий партиялар фаолияти тақиқланишини бекор этишни, барча сиёсий маҳбусларни озод қилишни, цензурага чек қўйишни талаб қилдилар.

Покистон Миллий партияси регионда кескинликни авж олдиришга, Покистонни Америка империализми агрессив стратегиясининг куролнига айлантиришга олиб келаётган Исломобод ташқи сиёсатини ҳам танқид қилди. Мажлис қатнашчилари Покистон Афғонистон Демократик Республикаси ҳукуматини дарҳол тан олсин ва у билан мавжуд проблемаларни бартараф этиш мақсадида музокаралар олиб борсин, деб талаб қилдилар, Ҳиндистон ва бошқа кўшни мамлакатлар, шунингдек социалистик давлатлар билан муносабатларни яхшилашга қаратилган тадбирлар қабул қилишга даъват этдилар.

(ТАСС).

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ президенти Р. Рейган берган баёнотда ўртача олисликка учириладиган ядро куролларига оид «оралиқ битими» деб аталган битим тўғрисидаги таклифлар ҳақида гап боради. Вашингтоннинг расмий вакиллари бу таклифларни шовқин-сурон билан кўкларга кўтариб мақтамоқдалар.

Шу билан бирга чет эл матбуотида, жумладан Америка газеталарида изҳор этилган дастлабки фикр ва мулоҳазалардаёқ шу таклифлар хусусида кўпгина танқидий шарҳлар берилмоқда. Чунончи, ЮПИ агентлигининг фикрича, АҚШ президенти ўртага қўйган таклифлар «нуль вариантининг» бир туридир.

АҚШ. Калифорния штатидаги Ванденберг ҳарбий-ҳаво базаси олдида урушга қарши намойиш бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари базага кириб борувчи йўлни тўсиб [суратда] бу ерда янги қитъалараро «МХ» баллистик ракеталарини синаб кўришга норозилик билдирдилар. Маълумки, бу ракеталар Қўшма Штатлар томонидан биринчи ядро зарбаси беришга мўлжалланган-дир.

АП — ТАСС телефотоси.

Сальвадордаги вазият

НЬЮ-ЙОРК. 1 апрель. (ТАСС). Сальвадордаги Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик фронтининг жангчилари катта ғалаба қозондилар. 24 соатлик жангдан сўнг қўзғолончилар пойтахтдан 66 километр наридаги Сант-Исидро шаҳридан «Рамон Бельосо» жазо батальонини суриб чиқардилар. Бу батальон АҚШ томонидан қуроллантирилган ва Американинг Форт-Брагедаги (Шимолий Каролина штати) базасида таълим олиб келган ҳарбий хизматчилардан тузилган эди. 84 нафар солдат ва офицер ўлдирилди, 46 нафари жароҳатлантирилди. Партизанлар кўп миқдордаги куроллар-ғоғин ўлжа қилиб олдилар. ЮПИ ахборот агентлигининг фикрича, бу — Сальвадор армиясининг шу йилги энг катта мағлубиятидир.

Партизанлар мамлакатнинг бошқа районларидаги жанговар ҳаракатларни ҳам кучайтириб юбордилар. Камбаяс департаментида миллий озодлик фронтининг жангчилари Синке аҳоли пунктини, Кантонда Асукульпа аҳоли пунктини (Ла-Пас департаменти) озод қилдилар, ҳарбий гарнизонга ҳужум уюштирдилар.

ПАНАМА. 1 апрель. (ТАСС). Сальвадор қўғирчоқ режими армиясининг маънавий руҳи тушиб бормоқда. Солдат ва офицерлар ҳеч қандай қаршилик кўрсатмай асир тушмоқдалар. Сальвадор ватанпарвар кучларининг бу ерда тарқатилган «Гуасапа» ахборот бюллетенида шундай дейилади. Мана шундай шароитда, деб таъкидланади хабарда, ҳарбийлар аҳолини, шу жумладан 14 ёшли ўспиринларни ҳам ёппасига ҳарбий хизматга чақирмоқдалар.

САН-ХОСЕ, 1 апрель. (ТАСС). Қўзғолончиларнинг «Венсеремос» радиостанцияси хабар қилишича, Сальвадор ҳарбийларининг юқори табақасида ўзаро жанжал давом этмоқда. Ҳукумат қўшинларининг сўнгги маглубиятлари ҳам шу билан изоҳланади.

Шу пайтда АҚШ аҳолининг қўзғолончиларга бераётган мададига йўл қўймаслик планини амалга оширишга киришди. Американларнинг кўрсатмаси билан қотиллар қишлоқ хўжалик экинзорларига ўт қўймоқдалар, чорва молларини ҳайдаб олиб кетмоқдалар, партизанлар жанговар ҳаракат қилаётган районлардаги аҳоли пунктларига бомба ёғдирмоқдалар, ватанпарварлар билан алоқаси бор, деб андаккина гумон қилинган кишилар қамоққа олинмоқда. Яширин шароитда иш кўраётган Сальвадор демократик ташкилотларининг маълумотларига қараганда кейинги вақтларда 800 дан кўпроқ киши мана шундай таҳқирлашга дучор этилди. Қамоққа олинган кўп кишиларнинг тақдири маълум эмас.

МАНГУЛИК

«ОЛОВЛИ ЙЎЛЛАР» КИНОЭПОПЕЯСИНИНГ УЧИНЧИ ҚИСМИ ҲАҚИДА

Республикамизда анъанавий Ҳамза кунлари давом этаётган кезларда Марказий телевиденье «Ўзбекфильм» ижодкорлари томонидан суратга олинган кўп серияли «Оловли йўллар» бадиий телевизион фильмининг учинчи қисми (9—12-сериялар, «Инқилоб қуйчиси»ни намойиш қилди. Маълумки, бу эпик асарнинг аввалги икки қисми (1—8-сериялари) илтари намойиш қилинган. Унинг биринчи қисми 1979 йилда Бокуда бўлиб ўтган VIII Бутуниттифоқ телефильмлар фестивалида Катта совринга сазовор бўлган. Шу сабабли миллион-миллион телетомошабинлар кинoэпопеянинг давомини орзиқиб кутар эдилар.

Ҳозирга қадар кўрсатилган ўн икки сериядан чиқадиган хулоса шуки, фильм сценарийси авторлари Комил Яшин, Борис Привалов, Шуҳрат Аббосовлар ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, шоир ва драматург, композитор ва муаллим, ватанпарвар ва интернационалист, ташкилотчи ва инқилобчи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг сермазмун, айни вақтда сермашаққат ҳаёт йўли ҳамда кўпқиррали ижодий фаолияти мисолида Шарқ халқларининг миллий мустақиллик, озодлик, илм-маърифат учун кураш лавҳаларини жозибали ва маъноқли, эмоционал ифодалашга муваффақ бўлганлар.

Нигирманчи аср бошларида Шарқ халқлари ҳаётида юз берган ўзгаришларни, бу ердаги турли миллат вакилларининг Коммунистик партия раҳнамолиги ва ишчилар синфи етакчилигида эзувчистибдодга қарши бирликда кўтарган исёнини кенг кўламда кўрсатиш учун ҳаёти, ижоди ва интилишлари қизиқарли материал берувчи ёркин сиймо керак эди. Бундай қаҳрамонда ҳам миллий характер қирралари ҳам интернационалистик фазилатлар мужассам, уйғун бўлиши керак. Ана шундай қаҳрамон, шўҳасиз, инқилоб жангларида тобланган оловқалб Ҳамза эди. Ҳамзанинг ёркин ва жўшқин ҳаёти, унинг революцион қисмати, янгиликнинг ашаддий душманларига қарши беомон кураши ҳақида қўшиқлар, достонлар тўқилган, бир неча бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабоп фильмлар, спектакллар, тасвирий санъат асарлари яратилган. Лекин улкан телевизион серпал яратишни мақсад қилиб олган ажойиб санъаткор, моҳир кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов бошчилигидаги ижодкорлар телеэпопея яратишнинг ҳали ҳеч ким юрмаган машаққатли сўқмоқларидан дадил бориб, совет телефильм практикасида бемисл оригинал сценарий асосида кўп қисмли ва кўп серияли кинoэпопея яратдилар.

Режиссёр «Оловли йўллар»ни экранлаштирар экан, сценаристлар, ҳамзашунос олимлар билан ҳамкорликда иш тутиб, биографик ва тарихий материалга эркин ёндашади. Ҳамза голвий ақидалари, эстетикоди, фалсафий, бадиий-эстетик қарашларининг туб моҳиятидан келиб чиқиб, боқса ва ҳодисалар доирасини кенгайтиради, ғояларини атайлаб бўрттиради, баъзан янги-янги эпизодлар, деталлар ижод этади, уни турли мансаб, турли касбдаги шахслар билан учраштиради, тўқнаштиради. Шуларнинг бадиий ифодаси сифатида оташин революционерининг умумлашма, типик образи рўй-рўст қад кўтаради. Бу образни яратган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ўлмас Алихўжаев учун, унинг салоҳияти ва маҳоратини намойиш қилиш учун кенг имкониятлар очилади.

Режиссёр ва актёр ўз қаҳрамонларини кучли голвий курашлар гирдобига, ўткир тўқнашувлар қуюнига, ҳаётмамот жангларга авж олган саҳналарга олиб кираднлар. Ҳамза чор амалдорларининг жабру зулмини, маҳаллий бойларининг айш-ишрат, маиший бузуқлик ботқоғига ботганини, улар бирлашиб меҳнаткаш халқ бошига қанчадан-қанча кулфатлар солганини кўраркан, чидаб тура олмади. Ўзининг жўшқин фаолияти, оташин шеърлари, инқилобий қўшиқлари, ўткир сатираси билан курашди, тўғри келганда рақибларини савалади, улар билан ёқалашди, ҳатто муштлашди. Лекин ҳеч қачон ўзининг эзтиқодига, инқилобий ақидаларига хиёнат қилмайди, ўткир сўзи, оташин шеърлари, тадбирли ҳаракатлари билан ёвларини енгиб, революциянинг оловли йўлларидан собитқадамлик билан олга боради.

Актёр Ҳамзанинг ана шундай кенг кўламдаги табиатини, иродасини, матонатини, айни чоғда меҳрибон дўст, ғамхўр ўртоқ, самимий ҳамроҳ эканлигини ҳам, ундаги инсоний фазилатларни ҳам яққол ифодалайди. Биз Ҳамзани доимо жиддий қиёфада, кўпинча сержаҳл, тажанг пайтларда кўрамиз. Бу, албатта, воқеалар, тўқнашувлар, баъзан муваффақиятсизликлар натижасида юз берши табиийдир. Лекин халқимиз Ҳамзани жуда хушчақчақ, ҳазилкаш, аскияни севадиган ширинсўз киши сифатида ҳам билади.

Фильм ижодкорлари бош қаҳрамон қиёфасини, унинг маънавий дунёсини кучли рақиблар билан кураш, тўқнашув, талашув-тортишув эпизодларида кўрсатадилар. Унинг Афғонистон, Ҳиндистон, Сурия, Арабистон, Туркия, Болгария каби мамлакатларда бўлиши ва у ерлардаги саргуштлари тўқизинчи серияда мароқли ҳикоя қилинади. Ҳамза бу ерларда ҳам мустамлакачилар зулмига дуч келади, ҳатто бегуноҳ меҳнаткашларни азоблаётган инглиз жазо отряди золимлари қўлида қийноқларга бардош беради. Инглиз офицери Ричардсон уни жаллодлар қўлидан қутқариб, саҳоват кўрсатгандек бўлади. Бу билан у Ҳамзадек таниқли, илғор фикрли, халқ эъзозига сазовор бир шахсдан фойдаланиб Туркистонга суқулиб кириш, уни Россиядан ажратиб, Буюк Британия мустамлакасига айлантиришдек жирканч ниятини амалга оширмоқчи эди. Актёр Ю. Спивак машҳур инглиз мустамлакачиларининг типик вакили бўлган бу образнинг асл қиёфасини кўрсатади. Айниқса, унинг буюк ҳинд мутафаккири Рабиндранат Тагор уйида ўзини хўжайинлардек, талончилардек тутиши ва синфий ҳушёр Ҳамзанинг ҳам, самимий Тагорнинг ҳам нафратига учраши ёркин талқин этилган.

Ҳамзанинг Тагор билан мулоқоти, Шарқнинг бу икки алломаси ўртасидаги мамлакат тараққиёт йўли ҳақидаги суҳбат ниҳоятда таъсирли, ҳаққоний кўрсатилади. Кино экранда ҳам ўз санъатини намойиш қила бошлаган таниқли хонанда Ботир Зокиров талқинидаги Рабиндранат Тагор нуроний қиёфаси, фикрлар уммонини эслатадиган кўзларидаги ақл нури, одамларга меҳрисаховати ва бошқа фазилатлари билан эътиборга сазовор. Тагорнинг Ҳамза билан бу тўфонли даврда мамлакатлар тақдири ҳақидаги баҳсда ўзининг маърифат йўли билан озодликка эришиш мумкинлиги ғоясини тарғиб қилиши ҳам ҳаққоний кўрсатилади. Ҳамза шуидай улуғ аллома билан тенгма-тенг мулоқотда бўлиб, ўзининг мамлакатни революцион кураш йўли билангина озодликка олиб чиқиш ҳақидаги фалсафа, эътиқодини эҳтирос билан ифода қилиши катта аҳамиятга эгадир. Бу ерда Ҳамза образи ўзбек интеллигенциясининг Абдулла Авлоний, Сўфизода сингари илғор фикрли, оқилу фозил вакилларидаги энг яхши фазилатларни мужассамлаштирган улкан бир шахс, йиғма образ сифатида намоён бўлади.

Фильм муваффақиятида унда иштирок этган таниқли санъаткорларнинг, аниқроғи, актёр ва актрисаларнинг хизмати катта. Биз ўринлида Наби Раҳимов (Ҳамзанинг отаси), Пўлат Саидкосимов (Завқий), Отар Коберидзе (Дунган афанди), Тамара Яндиева (Робия), Баҳодир Йўлдошев (Олчинбек), Тамара Шокирова (Юлдузхон), Бимбўлат Батаев (Содиқбой) ва бошқа санъаткорлар ижоларини, ижрочилик маҳоратларини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истар эдик.

Асарда турли синфларга, сиёсий маслакларга мансуб персонаж ва қаҳрамонлар, солдатлар, жандармлар, бой ва савдогарлар, зиёлилар, ишчилар, деҳқонлар жуда кўп. Улар қатнашадиган саҳналар юксак профессионализм, бадиийлик билан ташкил этилган, катта маҳорат билан суратга олинган. Бунда рассом Анатолий Шибаев, постановкачи-оператор Абдураҳим Исмоиловларнинг ижодий изланишлари самарали бўлганлигини эътироф этиш керак.

Картинанинг фазилатларини, ундаги ҳамма жиҳатлар юксак профессионализм даражасида ишланганлигини томошабинлар ҳам, мутахассислар ҳам бир оводдан тан олмоқдалар. Ҳар бир ишда бўлганидек, бу катта асарда ҳам айрим эриш туюладиган саҳна ва эпизодлар учрайди. Масалан, Ҳамзанинг инқилобчилар пули солинган қоп учун ўғри билан курашиб, урушиб, охири уни ўлдириб, бу маблағни эсдан чиқариб кетиши мақсадсиз бўлиб қолган. Ҳамзанинг муаллимлик фаолияти старли берилмаган, айниқса, инқилоб саҳнаси плакатнамо ҳал қилинган. Асарга куй бастелаган композитор Р. Вильдановнинг ҳар бир сериядаги мақоматсиз ва хотирасиз эзгин ҳувиқаси революцион жўшқинлик билан ярашмаган, аммо Ҳамзанинг қўшиқларидан, куйларидан янада кенгроқ фойдаланилганда дуруст бўлур эди.

«Инқилоб қуйчиси»да Ҳамза доимо халқ билан, унинг илғор вакиллари билан, айниқса, рус ишчилари орасидан етишиб чиққан революционерлар — ўртоқ Андрей (артист В. Сафонов), Қўқонга сургун қилинган ишчи Соколов (артист Ю. Гуева) кабилар билан бирга бўлиши унинг образини янада халқчил, инқилобий мазмун билан бойитган.

«Оловли йўллар»нинг янги қисми ҳам СССР халқ артисти, профессор Шуҳрат Аббосов ижодий имкониятларининг катталигини яна бир бор ёркин намойиш этди. Ишончимиз комилки, кинoэпопеянинг тўртинчи қисми ҳам муваффақиятли экранлаштирилиб, кўп миллионли томошабинларни мафтун этади. Ўн олти серияли бу ажойиб асар совет кино маданиятида воқеа бўлиб қолишига шубҳамиз йўқ.

Бермора ҚОРИЕВА,
СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати.

Маҳмуд ЯҲЕЕВ,
киношунос.



СУРАТДА: Шуҳрат Аббосовнинг «Оловли йўллар» киноэпопеяси учинчи қисмидан кадрлар.

СПОРТ

АЖОЙИБ ҒАЛАБА

● КУРАШ. АҚШнинг Толидо шаҳрида эркин кураш бўйича жаҳон кубоги учун ўтказилган беллашувда совет полвонлари ғалаба қозондилар. Спортчиларимиз АҚШ қурашчиларини 7:3 ҳисобида маглубиятга учратдилар. Бу ғалабага ўсмирлар ўртасида Европа чемпионлари — термизлик Арсен Фадзаев (68 кг.) билан наманганлик Аслан Хадарцевлар (100 кг.) ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Совет курашчилари Япония командасини 8:2, канадалик спортчиларни 9:1 ва африкаликлар полвонларни 10:0 ҳисобида маглубиятга учратиб, финалга йўлланма олишган эди. Жаҳон кубогини қўлга киритишда астойдил маҳорат кўрсатиб, совет спорти шарафини ҳимоя қилган республикамиз полвонларининг бу муваффақияти СССР халқлари ёзги VIII Спартакнадасига тайёргарлигининг ўзига хос катта босқичларидан бўлиб қолади. Республикада хизмат кўрсатган тренер Казбек Дедегкаевдан кураш сирларини ўрганган Арсен Фадзаев билан РСФСРда хизмат кўрсатган тренер Михаил Бекмурзовнинг шогирди Аслан Хадарцевлар устозлари ишончини оқлаб мухлисларни қувонтирдилар.

Суратларда: халқаро классдаги спорт мастерлари А. Хадарцев билан А. Фадзаевлар.

УзТАГ фотоси.

БАҲСЛАР ВА ГОЛИБЛАР

●ФУТБОЛ. Олий лига командалари ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатининг иккинчи тур учрашувлари «Спартак» — «Днепр» (1:1) ўйини билан якунланди.

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

БЕНЗИН ЎРНИДА АРАЛАШМА

Ворошиловград кўчаларида бортига сариқ квадрат ичига олинган «М» ҳарфидан иборат ғалати белги қўйилган автомобиллар пайдо бўлди. Демак бундай автомобилларнинг моторларида соф бензин ўрнига бензометанол аралашмаси ёнади.

Ворошиловградлик олимлар ва северодонецклик мутахассислар метанол спирт қўшилган мотор ёқилғиси олиш технологиясини ишлаб чиқишлар. Бу аралашма моторда ҳаво ҳарорати ҳатто минус 47 градуслигида ҳам ишлайверади.

Ҳозир ана шу аралаш ёқилғи турли иқлим шароитларида синаб кўрилмоқда. Дастлабки натижалар уни ишлатиш автомобилларнинг эксплуатацион сифатларини ёмонлаштирмаганлигини кўрсатди. Шу билан бирга яроқсиз газнинг заҳари учдан бир ҳисса камайди, энг муҳими эса 20 процентга қадар бензин тежалади. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983 — 84 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, механикайнғув ишлари слесари, электр пайвандчи, фрезерчи, электромонтажчи, металларга қирқиш йўли билан совуқ ишлов бериш бўйича токарь-универсал, ОТК контролери, ҳисоблаш машиналарини ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича электромеханик.

Ўқиш муддати — бир ва уч йил.

8 — 10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқиш муддати группалардаги ўқувчиларга ўрта ҳунар-техника билим юртини битирганлиги тўғрисида диплом берилади.

8-синф маълумотига эга ўқувчилар ўқиш даврида бепул кундалик ва ишда кийиладиган кийим-кечак ва уч маҳал овқат билан таъминланадилар, 10-синф маълумотига эга бўлганларга 70 сўм миқдорида стипендия берилади (электромонтажчи ва ҳисоблаш машиналарини ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича электромеханик ихтисосидагилардан ташқари). Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 33 проценти тўланади. Бошқа шаҳарлардан келганларга секция типидаги, яхши жиҳозланган ётоқхона берилади. Ўқиш вақти меҳнат стажига киради.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганларга билим юртини тугатганидан кейинги мажбурий иш стажисиз олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Билим юртида техника ижодкорлиги, бадиий ҳаваскорлик, фото тўгараклари, спорт секциялари ишлаб турибди. Чорвоқ посёлкаси районида ўқувчиларнинг ёзги дам олиш базаси мавжуд.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, характеристика, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, соғлиғи тўғрисида справка, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 50-алоқа бўлими, Гёте кўчаси, 54-уй (21-автобуснинг «14-ГСПТУ» ҳамда 16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекатлари).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

12 апрелдан бошлаб

«КУЛГИ-83»

Москва циркининг «Етти ажойиб масхарабози».

ПРОГРАММАДА: репризлар, клоунадалар, интермедиялар, чантрэ, поцуррн.

Программага ОЛЕГ СОКОЛ иштирокидаги Ленинград цирки ВАРЬЕТЕСИ жўр бўлади.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10 дан 20 гача ишлайди.

Олдиндан билет сотиш кассаси очилган.

44-35-91 телефони бўйинса справкалар олиш мумкин.

●

И. М. Губкин номидаги нефть ва газ саноати илмий-техника жамияти Ўзбекистон республика правлениеси, «Средазнипинефть», «Средазнингаз» институтлари ва ТОШКЕНТ ТЕХНИКА УЙИ

4—5 апрель соат 10.00 да

ЎРТА ОСИЕ НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ мавзуида РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИНИ ЎТКАЗАДИЛАР

Конференция «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасининг конференц залида қуйидаги адресда ўтади: Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 21-уй.

●

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/IV да Қиёмат қарз, 3/IV да Бой ила хизматчи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/IV да Лайли ва Мажнун, 3/IV да Мангулик.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОХИМИЯ ИНСТИТУТИ лабораториялар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кичик илмий ходимлар: шўрхок ерлар (2 ўрин), тупроқ технологияси ва физикаси, тупроқ биохимияси ва микробиологияси, агрохимия ва микроэлементлар.

КОНКУРС МУДДАТИ — 24 АПРЕЛГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700109, Тошкент шаҳри, 109-алоқа бўлими, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Телефон 46-09-50.

●

«Ўзбекконцерт» СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

4, 5, 6, 7 апрель соат 20.00 да

ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ДАВЛАТ «ЯЛЛА» ВОКАЛ-ЧОЛГУ АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Ансамблининг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фарруҳ ЗОКИРОВ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

Ўзбекистон радиоси коллективи ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар бош редакциясининг катта редактори Б. Ражабовга онаси

Пўлатой РАЖАБОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи газетанинг Жиззах область мухбири Т. Мақсудовга отаси

Мақсуд СОБИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

УҚИНГ, ҚИЗИҚАРЛИ

САМОВИЙ МЕҲМОННИ КУТГАНДА...

КИЕВ. Улкан масофадан ўтиб Орион буржи томонидан Қуёш системаси билан учрашувга сирли Галлей кометаси келмоқда. Комета космик фазода қайси қонунларга биноан дайдиб юрибди, унинг яқинлашиш оқибатлари қандай бўлиши мумкин? Украина пойтахтида очилган халқаро амалий кенгашда таниқли совет астрономлари ва уларнинг Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Польша ва Чехословакиялик ҳамкасблари мана шу ва бошқа кўп масалаларни муҳокама қилмоқдалар.

— 1986 йилнинг 9 февралида рўй берадиган ва фан учун муҳим бўлган шу воқеа арафасида бутун дунё астрономлари илмий кузатишлар программаларини тайёрлаяптилар, — деди совет программасини тайёрлаш махсус комиссиясининг раиси, Украина ССР Фанлар академияси бош астрономия обсерваториясининг директори Я. Яцкив. — Галлей кометаси даврий кометаларнинг ноёб вакили бўлиб, кометаларни ўрганишда эталон бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги жиҳатидан ҳам унга қизиқиш катта. Унинг магаи металл ва газ қўшимчалари бўлган уч километрли муз палахса «айсберг»дан иборат бўлиб, улкан думи эса қуёшга яқинлашиб келаётганида кўп миллион километрга чўзилади.

Эрамиздан аввалги 240 йилдан бошлаб ҳисоблаганда комета шу билан расмий қайд этилган йигирма тўқизинчи марта келиши. Аммо у қадимги қўлёзмаларда ўшандан олдинги даврларда ҳам қайд этилган. Кометанинг айланиш даврийлигини биринчи бўлиб исбот қилиб берган инглиз астрономи Э. Галлей номи қўйилган бу комета сўнгги марта 1910 йил осмонда порлаганди. Ўшанда унинг дастлабки фотосуратлари олинган, думини ташкил этувчи газлар спектрал анализ қилинганди.

Гоят сезгир аппаратлар ёрдамида бажарилувчи замонавий тадқиқотлар шу осмон жисмининг кўпгина сирларини очиб бериши керак. Ундан ергача энг яқин масофа қариб 60 миллион километр бўлади.

Комета орбитасини, унинг таркибий қисмлари физик характеристикаларини аниқлаш, қуёш шамоли ва космик фазода рўй берувчи бошқа ҳодисалар билан ўзаро таъсирини ўрганиш тадқиқотлари ерда биргаликда олиб бориладиган кузатишлар программасига киритилди.

Кенгашда кометани бевосита космосда ўрганиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилади. Фан тарихида илк бор сирли комета магзи билан учрашувга сунъий космик аппаратлар чиқарилади. (ТАСС).

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ИСМАЛОҚ

ДОРИВОР ГИЁҲЛАР

Қадим-қадим замонлардан бери Шарқда, шу жумладан Ўзбекистонда исмалоқдан доривор гиёҳ сифатида фойдаланиб келинади. Қўклам келди дегунча қиридирлардан исмалоқ ва жаг-жаг ўсимликларини теріб келиб, улардан турли таомлар тайёрлаб тановул қилиш анъана бўлиб қолган. Бу бежиз эмас, албатта.

Исмалоқ таркибида оқсил моддаси, фосфор, калий тузлари, С, А, В¹, В², РР витаминлари ҳамда органик кислоталар бор. Бу гиёҳнинг дорилик, шифобахш хусусияти, бошқа кўкатлардан афзаллиги шундаки, унинг баргида кўплаб миқдорда хлорофилл ва тузлар, шу жумладан темир моддаси бўлади. Улар эса киши организмида қонинг пайдо бўлиши ва кўпайишида актив иштирок этади.

Тўйимлилиги жиҳатидан ҳам исмалоқ кўпгина сабзавотлардан устунлик қилади. Айтайлик, 100 грамм исмалоқ кучи ўттиз калорияга, яримта тухумники эса 0 калорияга тенг. Исмалоқ Ўзбекистонда ёввойи ҳолда кирларда ўсади. У икки хил бўлиб, оталиқ ўсимликлар тез ўсади, бот гул ва тулшода чиқаради-да, дағаллашиб қолади. Оналик ўсимликлар барги 40—45 кунда истеъмол учун яроқли ҳолга келади. Уруғи эса 70—80 кунда пишади. Табиатда исмалоқнинг бир неча нави бўлиб, мамлакатимизнинг шимолий районларида ҳам у анчагина кенг тарқалган.

Исмалоқнинг она юрти Ўрта Осиё ҳисобланади. Тўқизинчи асрда ибн Ҳадзар исмли араб томонидан Испанияга олиб борилган. Кейинчалик «исфанат», яъни Испания ўти номи билан бутун Европа мамлакатларига тарқалган.

Ўзбекистонда исмалоқни маданийлаштириш юзасидан қатор ишлар қилинган. Уни уч муддатда — октябрь, декабрь ва февраль ойларида экиш мумкин.

А. КАРИМОВ,
республикада хизмат кўрсатган агроном, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

2 АПРЕЛЬ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.35 — Концерт. 10.00 — Спортлото. 10.10 — Буратино кўргазмаси. 10.40 — Ота-оналар. Сизлар учун. 11.10 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 11.40 — Ҳужжатли фильм. 12.20 — Қалбга яқин қўшиқлар. 12.40 — Мультфильм. 13.00 — Сизни қизиқтирган адабиётлар. 13.45 — Ҳужжатли фильм. 14.05 — Рус музейи. 14.35 — Камалак. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Болалар учун фильм. 16.35 — Музиқачилар музика ҳақида. 17.25 — Ҳужжатли фильм. 17.35 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов сухбати. 18.05 — Ҳайвонот оламида. 19.05 — Мактаб ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, хирург Н. М. Амосов билан учрашуви. 19.50 — 1983 йил қўшиқлари. 20.45 — Қисқа метражли кинокомедиялар. 21.30 — Время. 22.05 — Кино усталарининг ижодий портретлари. 23.30 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.30 — Ҳужжатли фильмлар. 10.10 — Тонгги почта. 10.40 — Адам Евага уйланади. 1—2-сериялар. 12.50 — Грузия телевиденеси студиясининг программаси. 14.35 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 15.20 — Инсон — ер хўжайини. 16.20 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 16.50 — Ҳужжатли экран. 18.00 — Музикали киоск. 19.00 — Халқаро обзор. 19.15 — Агар мен севиб қолсам-чи. Бадиий фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол. СССР чемпионати. «Металлист» — «Динамо» (Киев).

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телефильм. 10.40 — Спектакль. 11.30 — Тогда ёз қиска бўлади. Бадиий фильм. 12.50 — Кинопублицист экрани. 13.50 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги. 14.20 — Замондас. 18.05 — Кўгирчоқ фильм. 18.20 — Қўшиғим, жон қўшиғим. 19.00 — Илмий-оммабоп программа. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Шанба тароналари. 21.30 — Время. 22.05 — Экиш мавсуми кундалиги. 22.20 — Ўзбекистон санъат усталарининг концерти.

Тожикистон телевидениесининг программаси

3 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.35 — Чашмалар. 10.05 — Будильник. 10.35 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.35 — Здоровье. 12.20 — Тонгги почта. 12.50 — «Пионерия» журнали. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Бугун — геологлар куни. 15.00 — Геологлар кунига бағишланган музикали программа. 16.00 — Саёҳатчилар клуби. 17.00 — Мультфильмлар. 17.30 — Раҳбарнинг ҳисоботи. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Цирк майдонида. 20.15 — Қизил бодрезак. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 22.55 — Ҳужжатли фильм. 23.15 — Футбол. СССР чемпионати. ЦСКА — «Торпедо» (Кутаиси). 24.00 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядка сафланинг. 9.20 — Магадан бадиий коллективларининг чиқиши. 9.45 — Агар мен севиб қолсам-чи. Бадиий фильм. 11.00 — Ҳужжатли фильм. 12.00 — Концерт. 12.30 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 13.25 — 9-студия. 14.25 — Сувга сакраш бўйича Европа кубоги. 15.00 — Голиблар. 16.30 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.00 — Саросонлик саргардонликда. Бадиий фильм. 9-серия. 18.05 — Ҳужжатли фильм. 18.20 — Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Чукотка бошлиғи. Бадиий фильм. 23.35 — Ҳужжатли фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Музикали программа. 11.30 — Ҳужжатли кино экрани. 12.15 — Қувноқ стартлар. 13.15 — Иван ва Марья. Бадиий фильм. 14.40 — Реклама. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Фонарик. 19.00 — Бугун—геологлар куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Баҳорнинг узун куни. Бадиий фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Эртанги кун жадвали. Бадиий фильм.

Қиргизистон телевидениесининг программаси

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик концерт. 9.30 — Қўшиқ — орзуим менинг. 10.15 — Гулшан. 11.30 — М. Ашрафийнинг «Йўлларим» қўшиғи ўргатилади. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — «Вераси» вокал-чолғу ансамбли — бизнинг меҳмонимиз. 14.00 — Табаррук замин. 17.00 — Ишлар учун музикали соат. 18.15 — Халқаро ахвол кундалиги. 18.30 — Дўстларимиз эстрадаси. 19.25 — Ешлик. 21.00 — Халқаро ҳаётнинг актуал масалалари. 21.10 — Концерт. 22.30 — Қўшиқ — орзуим менинг. 24.00 — Хайрли тун.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43. 32-53-16, 32-53-20. 33-11-49. 32-54-13.